

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*УДК*

**ҒАФФОРОВ ШАҲЗОД ВОХИТОВИЧ**

**Мавзу: БОСМА ВА ОНЛАЙН НАШРЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**  
**(ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСПАНИЯ СПОРТ ГАЗЕТАЛАРИ ВА**  
**САЙТЛАРИ МИСОЛИДА)**

**5A220101 - Журналистика (спорт журналистикаси)**

**мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”**

Аудиовизуал журналистика ва оммавий  
коммуникация кафедраси мудири, ф.ф.н.,  
Каримов А.А. \_\_\_\_\_

**2017 йил “.....” июнь**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**

ф.ф.н., доц. С.Умиров

\_\_\_\_\_ **2017 йил “.....” июнь**

**ТОШКЕНТ-2017**

## М У Н Д А Р И Ж А

|                                                                               |           |
|-------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Кириш .....                                                                   | 3         |
| <b>I боб. ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ</b>                               |           |
| 1.1. Ўзбекистонда спорт соҳасига берилаётган эътибор .....                    | 10        |
| 1.2. Спорт журналистикасининг тараққиёт тенденциялари .....                   | 20        |
| 1.3. Ўзбекистон спорт сайтларига тавсиф .....                                 | 24        |
| I боб бўйича хулоса .....                                                     | 33        |
| <b>II боб. ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ГАЗЕТАЛАРИНИНГ<br/>ТУЗИЛМАВИЙ-МАНЗУИЙ ТАҲЛИЛИ</b> |           |
| 2.1. “Эрудит спорт” газетасининг ўзига хос хусусиятлари .....                 | 35        |
| 2.2. “Интер футбол” ва “Футбол экспресс” газеталари .....                     | 48        |
| II боб бўйича хулоса .....                                                    | 57        |
| <b>III боб. ИСПАНИЯ СПОРТ НАШРЛАРИ САЙТЛАРИНИНГ<br/>ТАҲЛИЛИ</b>               |           |
| 3.1. Испания электрон спорт нашрларининг тавсифи ва типологияси .....         | 59        |
| 3.2. Материаллар мазмуни ва шаклининг таҳлили.....                            | 70        |
| III боб бўйича хулоса .....                                                   | 76        |
| <b>Хулоса.....</b>                                                            | <b>78</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати .....</b>                     | <b>85</b> |
| <b>Иловалар .....</b>                                                         | <b>89</b> |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳеч бир нарсa мамлакатни спорт ва санъатчалик дунёга машҳур қила олмайди. Бу икки соҳанинг ривожига мамлакатимиз бўйлаб кенг аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Спорт қадимдан то ҳозирги кунга қадар инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Жаҳон мамлакатлари қатори юртимизда ҳам спорт ривожланиб бормоқда. Спортнинг ривожига ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётгани, жойларда келажак авлод учун катта имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Республикада спорт умумдавлат иши ҳисобланиб, жисмоний маданият билан бирга аҳолининг барча қатламларини ва ёшлар гуруҳини қамраб олган. Мамлакатда 50 дан зиёд спорт тури оммалашган, улардан 30 тури олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”, “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимизда спортнинг янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Спорт соҳасида турли унвонлар таъсис этилди.

Ўтаётган ҳар бир йилнинг алоҳида ном билан аталиши, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор келажак учун қўйилаётган пойдевор ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига биноан “Спорт” телеканали ташкил этилган.

Бугунги кунга келиб “Спорт” телерадиоканали республикамизнинг 94,5 фоиз ҳудудини қамраб олган. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган эътибор ҳамда аҳолининг соғлом турмуш тарзига катта

кизиқиши телеканал аудиторияси қанчалик кенг эканлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, телеканал ижодкорларига катта масъулият юклайди. Аммо, канал ижодкорлари фаолиятида айрим камчиликлар борлиги ҳам сезилмоқда. “Спорт” телеканали фаолиятининг тўла талабга жавоб бермагани туфайли медиабозорни “Ўзрпорт”, “Футбол ТВ” каналлари ҳам эгаллай бошлади.

Нафақат телевидение соҳасида, балки спорт нашрлари соҳасида ҳам бу йўналишда кучли рақобат юзага келган. Бу жараён тадқиқот учун танлаб олинган икки мамлакат – Ўзбекистон ва Испанияда, балки дунё матбуотида етакчи рейтингга эга. Бугунги кунда улар миллий матбуот нашрлари орасида етакчига айланмоқда. Бу ҳолат икки мамлакат нашрларига хос бўлган хусусиятдир. Масалан, Испанияда “Marca” (“Марка”) спорт матбуотида сўзсиз биринчи ўринни эгаллаб, мамлакатдаги энг кўзга кўринган нашрларидан бири саналади. Мамлакатдаги энг машҳур электрон оммавий ахборот воситаси ҳам шу газетанинг электрон версиясидир. Ўзбекистонда ҳам энг етакчи электрон сайтлар ўнлигида уч ўринни спорт нашрлари эгаллаган.

Ўзбекистон ва Испанияда спорт мавқеининг баландлиги бир қатор кўрсаткичлар билан шартланади. Охирги ўн йилликда Испания ва Ўзбекистон спортчилари жаҳон спорт ареналарида юксак ғалабаларга эришдилар. Испаниянинг иқтисодий аҳволи анча оғир бўлган ҳамда давлатда сепаратизм кучайиб кетаётган бир вақтда спорт халқни чалғитишга ёрдам берган. Испания миллий терма жамоалари бошқа давлатлар стадионларида мусобақага тушган пайтда бутун миллат бирлашади, ўзаро адоватлар қисман эсдан чиқарилади, фуқаролар испан миллатига мансуб эканликлари билан фахрланадилар.

Спорт мавзуси долзарблигининг яна бир сабаби шундан иборатки, Европа Иттифоқидаги жараёнлар жуда мураккаб кунларни бошидан кечирмоқда. Буюк Британия иттифоқ таркибидан чиқиб кетди (Шотландия эса иттифоқ таркибида қолмоқчи). Бир қатор мамлакатлар Европа

Иттифоқи таркибида қолиш қолмасликни жиддий муҳокама қилмоқда (Франция, Голландия ва бошқ.). Европа Иттифоқи таркибида бўлиш, бир томондан, миллий иқтисодиётнинг бирлашишига ёрдам берса, иккинчи томондан миллий ўзликнинг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда спорт миллий ўзликни асраш ва намоён этишнинг ёрқин кўринишларидан бирига айланади.

Бир сўз билан айтганда, Испания миллий матбуотида спортнинг ўрни ва мавқеи кундан-кунга кўтарилиб бормоқда. Спорт мавзуси умуммиллий газеталарнинг анъанавий ва электрон вариантларининг биринчи саҳифаларига чиқиб кетмоқда. Ихтисослашган нашрлар (иқтисодиёт, молиявий, солиқ, прокуратура, қурилиш ва бошқ) хусусида гапирганда ҳам, Испаниянинг кундалик спорт газеталари сўзсиз лидерлик қилмоқда. Қолаверса, Испанияда прокуратура, суд, ички ишлар органлари нашрлари спорт нашрларидек обрўга эга эмас.

Испания ва Ўзбекистон спорт матбуоти ўртасида фарқлар сезилади. Ўзбекистон учун Испания тажрибасини ўзлаштириш жоизлиги тўғрисидаги янгича ёндашув – долзарб мавзу ўртага ташланмоқда. Интернет кучайиши билан бутун дунёда анъанавий матбуот ўз мавқеини йўқотиб бораётгани ҳаммага маълум. Испания матбуоти бундай оғир аҳволда вазиятдан чиқиб кетиш учун қандай ечим топмоқда? Улар конвергентлик йўлидан бориб, нашрларни мультимедиатизация қилмоқда. Жумладан, “Marca” спорт газетаси 2010 йилда мамлакатда биринчи бўлиб, миллий радио, телевидение ва Интернетда ўз ўрнига эга бўлди. Демак, бу масалада ҳам мазкур спорт газетаси бутун мамлакат нашрларига намуна бўлмоқда. Испания электрон нашрлари тажрибасини ўрганиш, маҳорат масалаларини таҳлил этиш, уларнинг профессионаллашувига кенг эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун илмий жиҳатдан чуқур ўрганилган таҳлил ва тадқиқотлар зарур. Ўрганилаётган мавзу шу нуқтаи назардан ҳам долзарб.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Ўзбекистон ва Испания спорт газеталарининг босма ва электрон версиялари тадқиқот объекти сифатида

танланган. Ушбу магистрлик диссертациясида 2010-2017 йилларда чоп этилган спорт газеталари анъанавий (босма) ва электрон намуналари тадқиқ этилди. Ишнинг предмети — миллий спорт нашрлари анъанавий ва электрон вариантларининг қиёси, уларда кўтарилаётган мавзулар, муаммолар ва ечимлар. Испания тажрибаси бизни мазкур диссертацияда футбол нашрларига кўпроқ эътибор қаратишга ундади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзунинг ўрганиш кўпроқ хорижий мамлакатларда амалга оширилмоқда. Россиялик олимларнинг К.А.Алексеев, С.Н.Ильченко, С.А.Михайлов икки қўлланмаси<sup>1</sup> нашр этилган. Шунингдек, Е.А. Алексеев, В.В. Баранов, С.Н. Кузменко ва Е.А. Алексеевнинг тадқиқотлари диссертациялар шаклида бажарилган<sup>2</sup>.

Хориж тадқиқотчилари П. Паниагуа, А. Алькобаларнинг спорт матбуоти тарихи, А. Бернал, М. Гарридонинг Испания босма спорт нашрларининг бугунги ривожланиши, Х. Кастаёна ва Х. Паблоснинг спорт газеталарининг стилистикаси ҳақидаги тадқиқотларини ҳам келтириш мумкин<sup>3</sup>. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ Давлат университетларида ташкил этилган илмий-амалий конференцияларда ўқилган маърузалардан иборат тўпламлардаги фикр-мулоҳазалар ҳам қараб чиқилди.

**Илмий ишнинг назарий-методологик асослари.** Диссертациянинг назарий ва методологик базасини Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Алексеев К.А., Ильченко С.Н. Спортивная журналистика, СПб., 2012., Михайлов С.А. Мостов А. Спортивная журналистика, СПб.: 2005. Издательство Михайлова В. А.

<sup>2</sup> Алексеев К. А. Спортивная пресса России XIX - начала XX вв.: историко-типологический анализ: дис. канд. филол. наук. / СПбГУ - СПб., 2008; Баранов В. В. Спортивная печать Российской Федерации. Формирование новой системы : 90-е годы: дис. канд. филол. наук. / МГУ-М., 2001; Кузьменко С. Н. Освещение олимпийского движения в средствах массовой информации : дис. . канд. филол. наук. / МГУ - М., 1997; Слюсаренко Е. А. Специализированные журналы о спорте: типологические и профильные характеристики : дис. канд. филол. наук. / МГУ-М, 2003 ва бошқ.

<sup>3</sup> Panlagua P. Cultura y guerra del fútbol. — Barcelona: Editorial UOC, 2009. Alcoba A. Periodismo deportivo. — Madrid: Síntesis, 2005. Bernal A. Periodismo deportivo y sensacionalismo. Motivos para la reflexión // Imagen, comunicación y deporte. — Madrid: Visión Libros, 2009. Garrido M. Violencia y sensacionalismo en la comunicación deportiva // Imagen, comunicación y deporte. — Madrid: Visión Libros, 2009. Castañón J. El lenguaje periodístico del fútbol. — Valladolid: Universidad de Valladolid, 1993. Pablos J. La red es nuestra. — Barcelona: Editorial Paidós, 2001.

Конституцияси, спортга доир Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг фармонлари ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг асарлари, республика раҳбарияти ҳамда спорт ишлари бўйича раҳбар идораларининг кўрсатмалари ташкил этади.

Мавзуни таҳлил қилиш жараёнида назарий манба сифатида хорижда, асосан Россияда ва мамлакатимизда чоп этилган адабиётлардан ҳамда миллий матбуотимиз саҳифаларида босилган материаллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот усуллари.** Спорт нашрларининг хусусиятлари қиёсий-типологик, сиёсий, тарихий, маданий, этник, психологик ва бошқа мезон ҳамда кўрсаткичлар доирасида ўрганилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Спорт дастурларининг ёритилиши, журналистлар маҳорати масалаларига бағишланган битирув-малакавий ишлари ҳимоя қилинган, магистратурада илмий изланишлар олиб борилган. Аммо, шу вақтга қадар Ўзбекистон ва Испания спорт нашрларининг босма (анъанавий) ҳамда электрон версияларининг қиёсий таҳлили ўтказилмаган эди. Шу маънода мазкур диссертация маълум даражада янги иш.

**Диссертациянинг мақсади.** Ушбу диссертациянинг мақсади — Ўзбекистон ва Испания спорт газеталарининг мавзу ва шакллари, нашрларнинг замонавий фаолиятини ўрганиш, босма ва электрон нашрларни қиёсий таҳлил этишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Қўйилган мақсадга эришиш учун бир қатор аниқ вазифалар белгиланди:

- Ўзбекистон ва Испания анъанавий ва босма спорт нашрлари қиёсида замонавий ахборот технологиялари аҳамияти ва ўрнини ўрганиш;
- Испанияда спорт нашрларининг спорт клублари атрофида фаолиятни ташкил этишининг ўзига хосликлари ва бундай фаолиятдан кўзланган асосий мақсадни аниқлаш;

- Испанияда спорт нашрлари таблоид шаклида намоён бўлишини таҳлил этиш ва бунинг сабабларини кўрсатиш;
- Ахборот асри ва янги медиалар ривож топаётган бир шароитда спорт нашрларидаги тараққиёт тенденциялари нималардан иборат эканлигини тадқиқ этиш кабилар.

**Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, Испания спорт нашрлари дунёда етакчи ўринга эга. Амалий жиҳатдан республикамиз спорт журналистлари томонидан Испания ижодкорларининг тажрибалари ўрганилса, макбул жиҳатлари амалиётга жорий этилса, бу миллий спорт матбуоти ривожига ҳам хизмат қилади. Испания спорт нашрлари ва журналистлари катта тажрибага эга, жумладан, таҳририятларнинг иш усуллари, журналистлар ижодидаги янгиликлар, техник ихтиролар кабилардан ўрганиш мумкин. Буларни ўзлаштириш миллий спорт журналистикасини янги поғонага кўтаради.

Тадқиқот мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган муаллифлар, спорт журналистикаси соҳасига эндигина кириб келаётган ижодкорлар ва журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабаларга амалий жиҳатдан ёрдам беради.

**Натижаларнинг жорийланиши.** Диссертация асосида қуйидаги мақола ва тезислар чоп қилинди:

1.Интернет ва босма ОАВ учун медиаматн яратиш хусусиятлари, “Медиатаълим: тамойиллар, муаммо ва истиқболлар” мавзуидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами (1-қисм), Т.: ЎзДЖТУ, 2016.-Б. 67-69.

2. Испанияда спорт нашрлари электрон версиялари тараққиёти, “Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари” мавзуидаги анъанавий ОЎМТВ миқёсидаги V илмий-амалий конференция материаллари тўплами, Т.: ЎзМУ, 2017.-Б. 218-224.

3. Испания спорт журналистикасининг асосий хусусиятлари, “Ахборот асри журналистикаси: назария ва амалиёт” мавзуидаги талабалар

илмий-амалий анжумани материаллари тўплами, Т.: ЎзДЖТУ, 2017.-Б. 90-92.

**Диссертациянинг тузилиши.** Мазкур тадқиқот иши кириш, уч бобда саккизта фасл ва ҳар бир бобга алоҳида хулоса, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, мавзуга оид учта илмий мақолани чоп этилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги, мақсад-вазифалари, объекти, предмети, назарий-методологик асослари, назарий-амалий аҳамияти, тузилиши асослаб берилган.

Биринчи боб Ўзбекистонда спорт журналистикаси деб номланади. Унда Ўзбекистонда истиқлол йилларида миллий спортимизнинг ривожланиши, спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришган натижалари ва улар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилиши борасида маълумот берилган. Шунингдек, спорт журналистикасининг тараққиёт тенденциялари, ихтисослашуви ва Интернет спорт журналистикасининг пайдо бўлиш тарихига ҳам эътибор қаратиб ўтилган.

Иккинчи боб, Ўзбекистон спорт газеталарининг тузилмавий-мавзуий таҳлилига бағишланган бўлиб, “Эрудит Спорт”, “Интер Футбол” ва “Футбол экспресс” газеталари таҳлил этилган.

Учинчи боб Испания спорт нашрлари сайтларининг таҳлили деб номланган. Унда Испания электрон спорт нашрларининг тавсифи, типологияси, материаллар мазмуни, шакли ва дизайни тадқиқ этилган.

Хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари баён этилади. Муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилади. Иш сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар берилган.

# **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ**

## **1.1. Ўзбекистонда спорт соҳасига берилаётган эътибор**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида “Жисмоний тарбия Ўзбекистон Республикаси халқлари миллий маданиятининг ажралмас қисми, жисмоний ва маънавий камолотнинг муҳим воситаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт ишига хизмат қилади.

Ушбу Қонун жисмоний тарбия ва спорт, шу жумладан спортнинг техник турлари соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради” дея кўрсатиб ўтилган. Тизимли равишда ташкил этиладиган спорт мусобақалари аллақачон халқ қалбидан жой эгаллаб улгурган. Айнан шу қонуннинг 2-моддасида “Фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқлари” ҳам ўз ифодасини топган. “Ўзбекистон Республикасининг фуқарolari жинсидан, ёшидан, миллатидан, динидан, мулкӣ ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш йўналишидаги жамоат ташкилотларига бирлашиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни, шу жумладан спортнинг техник турларини ривожлантиришга маблағ ажратади, бу соҳада давлат бошқаруви идораларини тузади, аҳолининг барча гуруҳларини жисмоний чиниқтириш тизимини ишлаб чиқади, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда фуқароларнинг бу борадаги манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ишларини уюштиради, жисмоний тарбия-спорт индустрияси ва инфра- структурасини ривожлантиради”.

Ёш авлод ҳисобланмиш болаларнинг жисмонан ҳар томонлама камол топиши ва саломатлиги тўғрисида қайғуришлари, жисмоний тарбия-спорт

машқлари учун уларга зарур шароитлар яратиб беришлари ҳамда соғлом турмуш тарзида ота-оналарнинг ўзлари шахсан намуна кўрсатиб келмоқдалар.

Агар эътибор берадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида қуйидаги соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди:

- болалар спорти диққат марказидаги биринчи масала сифатида ўртага ташланди ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди;
- аёллар спорти бўйича ҳам катор ишлар амалга оширилди. Жумладан, аёллар ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказилиши йўлга қўйилди;
- оилавий спортга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бунинг боиси, ота-она спортга бефарқ бўлмаса, бола ҳам уларга ҳавас қилиб спортга меҳр қўяди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда

- жисмоний тарбия-спорт жамиятлари;
- спорт федерациялари;
- спорт уюшмалари;
- жамғармалар;
- жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмаларининг ҳиссаси жуда юқори.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари ўз фаолиятларини “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ олиб бормоқдалар.

Айни пайтда спорт соҳасида мунтазам оммавий тадбирлар олиб бораётган асосий давлат ва нодавлат ташкилотлар сифатида қуйидагилар: Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-

қизлар қўмитаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди каби қатор ташкилотлар номини келтириб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мамлакат миқёсида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси миллий Олимпия қўмитаси мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикасида Олимпия ҳаракати:

- Олимпия ғоялари ва қоидаларини оммалаштиришни, ёш авлодни ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик руҳида тарбиялашни;
- аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ташвиқот қилишни;
- Ўзбекистон Республикаси спортчилари Олимпия ўйинларида қатнашишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасида Олимпия ҳаракати Ўзбекистон Республикаси миллий Олимпия қўмитаси томонидан йўналтириб турилади ҳамда бошқарилади. Бу қўмита ўз фаолиятини Олимпия хартиясига асосан амалга оширади.

Қонунга кўра, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари профессионал спорт билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Профессионал лигалар, уюшмалар, клублар ва бошқа профессионал ташкилотлар тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби, спортчилар билан битимлар ҳамда меҳнат муносабатларининг бошқа шакллари тузиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари томонидан меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда халқаро спорт ташкилотларининг уставлари, хартияси, низомлари ва бошқа ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади”<sup>4</sup>.

Шунингдек, мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида қатор қарор ва фармонлар эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>4</sup> [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=63106](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=63106) Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, 26.05.2000.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”, “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимизда спортнинг янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими бўлмиш – спорт (инг. sport - ўйин) деган маънони англатар экан. Спортнинг мақсади кишиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва умумий жисмоний ривожлантириш билан бирга спорт мусобақаларида юқори натижа ва ғалабаларга эришишдир. Спорт тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Илк спорт мусобақалари милоддан аввал 1580 йилда бўлиб ўтган эди. Спорт 1894 йилда Халқаро Олимпиада қўмитаси ташкил топганидан кейин жуда тез ривожланди. Замонавий Олимпиада ўйинлари эса 1896 йилда ўтказилган.

Спортнинг асосий 3 та ўзаро боғлиқ ташкилий шакллари мавжуд:

- оммавий ҳаваскорлик спорти;
- ўқув фан сифатидаги спорт;
- юқори натижалар спорти.

Тараққиёт жараёнида спорт жисмоний тарбия доирасидан чиқиб, мустақил умуммаданий, сиёсий, эстетик, иқтисодий аҳамият касб этди. Спортнинг шахс умумий тараққиётида таъсири жуда катта. Жисмоний машқлар организмнинг умумий тонусини сақлаб, кайфиятини кўтаради ва ўз-ўзидан фикрлаш жараёнининг ижодлилигини таъминлайди.

Спорт турларининг 2 асосий гуруҳи мавжуд:

- миллий спорт турлари – ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, дам олиш шароити асосида ривожланган.

- халқаро спорт турлари – муайян шароитларда мусобақалар ўтказишнинг умумлаштирилган тизимларидан иборат бўлиб, бунда мусобақа муносабатларини, натижаларни ҳисобга олиш ва баҳолашни халқаро миқёсда бир хил тартибга келтириш, ягона қоидалардан фойдаланишга асосланган махсус чеклашлар назарда тутилади. Спорт ер юзидаги халқ ва миллатларни бирлаштириб дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон спорти миллий маданиятимизнинг узвий қисми ҳисобланади. У кенг халқ оммасини юксак ахлоқий руҳда тарбиялашда ва саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим воситалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда яшовчи халқлар асрлар давомида хилма-хил жисмоний машқлар ва миллий мусобақалар турларини яратдики, бу ўз навбатида ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига жиддий таъсир кўрсатди. Спорт Ўзбекистонда минг йиллар оша шаклланиб келган қадимий маданиятнинг бир кўринишидир. Турли туманларда яшовчи айрим уруғларнинг алоҳида жисмоний машқ ва ўйинлари мавжуд бўлиб, мазкур турлари мунтазам ривожланиш тарихига эга.

Бундан ташқари, иқтидорли ёшларни спортга жалб этиш, ишончли заҳирани шакллантириш ҳамда болалар-ўсмирлар футболни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш футболчиларнинг маҳорати ошишини ва спорт соҳасидаги ютуқлари кўпайишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди<sup>5</sup>.

Мамлакатимиз футболининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, футбол бўйича мактаб-интернатларда,

---

<sup>5</sup> [http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=1120461](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1120461), Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 4 — 6-сон, 44-модда; 2017 й., 20-сон, 367-модда.

болалар ва ўсмирлар мактабларида, профессионал клубларда ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малака даражасини ошириш, шунингдек республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида футболни фаол тарғиб қилиш ҳамда оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ 2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб у тўрт қисмдан иборат:

- Республика шаҳарларида фаолият кўрсатаётган стадионларнинг, профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар мактаблари спорт иншоотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш, янги стадионлар қуриш, уларни зарур ускуналар ва тегишли инфратузилма билан таъминлаш;

- Болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш ҳамда футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари иши самарадорлигини ошириш;

- Малакали тренерлар, ҳакамлар, спорт врачлари ва бошқа футбол мутахассисларини тайёрлаш;

- Мамлакатимиз футболни тўғрисидаги ахборотларни етказиш ва тарғиб қилишни янада такомиллаштириш, малакали журналистлар, шарҳловчилар, режиссёр ва телеоператор кадрларни тайёрлаш.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори миллий футболимизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ёш футболчиларда профессионал иштиёқ, маҳорат ҳамда кўникмаларни юксалтириш, маҳоратли чарм тўп усталаридан мамлакат клублари ва терма жамоаларига

ишончли захира шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада юртимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди шаклланмоқда.

Ўзбек юртидан жаҳонга донг таратган спортчилар жуда кўп. XVIII асрда яшаб ўтган буюк шоир ва кураги ерга тегмаган полвон, хоразмлик Маҳмуд Паҳлавон номи абадий қолган. Ўзбекистонда қадимдан спортнинг миллий турларидан кураш, от спорти, камондан отиш, дорбоз ўйинлари кабилар анча ривожланган эди. Эндиликда Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорти оддий жисмоний машқ ва ўйинлардан замонавий олимпия спорт турларига қадар юксак тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармонида<sup>6</sup> мустақиллик йилларида халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ анъаналарининг мавжуд кўп асрлик сарчашмаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахслар жамиятини барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани, аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўла қондиришга, театр, мусиқа, тасвирий санъат ҳамда бошқа санъат турларини ривожлантиришга, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилгани, жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш ва юксак марраларни забт этишга қодир маҳоратли спортчилар тайёрлашнинг самарали тизими яратилги қайд этилган.

---

<sup>6</sup> [http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3119532](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3119532) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 105-модда,

Шу билан бирга, мавжуд давлат бошқаруви тизими маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс ҳал этиш, шунингдек, мазкур соҳаларда давлат сиёсатини самарали амалга оширишни тўлиқ даражада таъминлаш имконини бермайди. Зиммасидаги вазифалар кўлами кенглиги ва аҳамияти катталигига қарамай, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик таъминланмаяпти, унинг фаолияти эса кўпинча маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш билангина чекланиб қолаётганлиги, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объектлари ва иншоотларининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари ҳамон ўз ечимини топмаганлиги, маданият ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермаслиги қайд этилган.

Маданият ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳада Ўзбекистон халқининг бой ва ўзига хос маданияти, санъати ва ижодиётини янада ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини тубдан юксалтириш, аҳоли кенг қатламлари орасида маънавий-ахлоқий камолот ва соғлом турмуш тарзига интилишни кучайтириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилди ва унинг негизида: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинди<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари этиб: жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш,

---

<sup>7</sup> <http://www.uza.uz/oz/documents/madaniyat-va-sport-so-asida-bosh-aruv-tizimini-yanada-takomi-16-02-2017>.

мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонларидаги ютуқларини тарғиб қилиш ва унинг кенг эътироф этилишига қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, қишлоқ аҳолиси ўртасида спорт ҳамда жисмоний тарбия билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг қўламли ишларни ташкиллаштириш, шаҳарлар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари, миллий спорт турлари бўйича халқ ўйинлари ва мусобақаларини мунтазам ўтказиб бориш; болалар, айниқса, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этган ҳолда, болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, жумладан, қишлоқ ва олис туманларда болалар спорт объеклари тармоғини янада кенгайтириш, уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари ўтказилишини ташкил қилиш, бунинг асосида болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларнинг жисмонан баркамол ривожланишини таъминлаш; Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциациялар билан биргаликда истеъдодли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш, уларнинг Олимпия ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, бошқа нуфузли халқаро мусобақалар ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш учун сифатли спорт захираси ва мамлакат терма жамоалари таркибларини шакллантириш чора-тадбирларини амалга ошириш; мамлакатимизда профессионал спортни ривожлантириш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологиялар жорий этилиши, спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига

карши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш; жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорти ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланишни таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашиш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали мураббийлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш; спорт соҳасида давлатлараро ва халқаро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга кўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш белгиланган.

Спорт соҳасига Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, спортни ривожлантиришга доир қарорлар, фармон ва фармойишлар қабул қилинмоқда. Алоҳида спорт кўмитаси ташкил этилди. Президентимиз аҳоли билан ҳудудларда учрашувлар жараёнида болалар спортини ривожлантириш, бунинг учун замонавий спорт объектларини барпо этиш борасида алоҳида таъкидлаб, тегишли тавсиялар бермоқда.

## 1.2. Спорт журналистикасининг тараққиёт тенденциялари

Жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни эса: “Матбуот, телевидение, радио, бошқа оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари, соғлиқни сақлаш идоралари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этишни таъминлайдилар.

Спортда шафқатсизлик ва зулмни, инсон кадр-қимматини камситишни, киши саломатлигига зарар етказувчи таъқиқланган гиёҳларни қўллашни тарғиб қилишга йўл қўйилмайди”<sup>8</sup>. Айни пайтда спорт тарғиботи билан қуйидаги оммавий ахборот воситалари шуғулланмоқда:

- республика миқёсида чоп этиладиган марказий нашрлар ва айни пайтда вилоят, туман газеталари;

- спортга ихтисослашган давлат ва нодавлат махсус нашрлари (“Ўзбекистон футболи”, “Спорт”, “Чемпион”, “Футбол-экспресс”, “Интерфутбол” ва бошқалар);

- махсус спорт турларига, хусусан футболга ихтисослашган сайтлар Ўзбек Футбол Фанатларининг [www.uff.uz](http://www.uff.uz) сайти, Ўзбекистон Футбол Федерацияси расмий [www.uzfootball.com](http://www.uzfootball.com) сайти, [www.uz-football.vo.uz](http://www.uz-football.vo.uz) (Ўзбекистон футболи янгиликлари), [www.interfutbol.uz](http://www.interfutbol.uz) "ИнтерФУТБОЛ" газетаси расмий сайти, футбол клублар расмий сайтлари [www.pakhtakor.uz](http://www.pakhtakor.uz), [www.fcneftchi.uz](http://www.fcneftchi.uz), [www.fcandijon.uz](http://www.fcandijon.uz), [www.fkmashal.com](http://www.fkmashal.com), [www.pfc-kuruvchi.com](http://www.pfc-kuruvchi.com) ва бошқа йўналишдаги [www.manutd.uz](http://www.manutd.uz) "Манчестер Юнайтед - Ўзбекистон", [www.lokomativ.ucoz.ru](http://www.lokomativ.ucoz.ru) "Локомотив" Тошкент фан сайти, [www.sam-dinamo.vo.uz](http://www.sam-dinamo.vo.uz) "Самарқанд-Динамо" фанатлари сайти, [www.fc-arsenal.vo.uz](http://www.fc-arsenal.vo.uz) "Арсенал-Центер" - фанатлар сайти, [www.fc-navbahor.narod.ru](http://www.fc-navbahor.narod.ru) "Навбаҳор-Н" фан сайти кабилар;

---

<sup>8</sup> [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=63106](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=63106) Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, 26.05.2000.

- хусусий ва давлат радиоканалларида доимий равишда спорт мавзуси ёритилади;
- “Спорт” телерадиоканали;
- “Уз репорт” телеканали ҳамда канал қошида ташкил этилган “Футбол ТВ” бу соҳада етакчилик қилмоқда;
- спортга доир ташкилотларнинг матбуот хизматлари ҳам тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этадилар.

Ўтган йиллар давомида спортга жуда катта эътибор билан қаралди. “Соғлом авлод йили”, “Сихат-саломатлик йили”, “Ёшлар йили” каби номлар остида хайрли ишлар амалга оширилди. Давлат дастурларида бу ўз ифодасини тўлиқ топди. Давлат ва жамоат ташкилотларининг бирортаси бу Дастурдан четда турган эмас. Улар оммавий тарзда турли соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этиб ўз иштирокларини таъминлаш билан бирга, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод тайёрлаш ишида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Чекка-чекка қишлоқларда қад ростлаган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, шарт-шароитларни аъло даражада ташкил қилиш бош вазифа сифатида қўйилар экан, спорт залларига, спорт майдончаларига жуда катта эътибор қаратилди.

Спортга эътибор давлат даражасига кўтарилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам ташкил этиб келинаётган “Умид ниҳоллари”, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасидаги “Баркамол авлод”, олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги “Универсиада” спорт мусобақалари – мини олимпиада вазифасини бажармоқда. Мазкур спорт мусобақаларда ғалабага эришган ёшлар жаҳон ареналарида ҳам мамлакат шарафини ҳимоя қилаётганларини айтиб ўтиш зарур.

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган замонда инсон омили муҳим аҳамият касб этади. Бугунги куннинг олдимизга қўяётган долзарб вазифаси иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, жихатдан асосланган ўзига хос турмуш

тарзини яратишдир. Бундай ҳар томондан барқарор тараққиётни белгиловчи муҳим омилар сифатида соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшлар сафини кенгайтириш тушунилади.

Инсоният тарихидан маълумки ота боболаримиз соғлом турмуш тарзини яратишга жиддий эътибор қаратган. Бу борада зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестода ҳам ибратли фикрларни учратиш мумкин. Жумладан унда таъкидланишича бир қабила ичида қариндошлар ўртасида никоҳ муносабатларини ўрнатилишига йўл берилмаган. Бу ҳол доимо қон тозалигини сақлашга сабаб бўлган. Авестода берилган бу мисол ҳозирги кундаги қариндошлар ўртасида юз бераётган никоҳнинг салбий оқибатларини боболаримиз яхши тушунганликлари исботлаб турибди. Демакки, соғлом турмуш тарзи яратиш кечаги ёки бугунги воқелик эмас балки бунинг ўқ илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Турмуш тарзининг соғлом негизлари тўғрисидаги тасаввурларни антик давр юнон файласуфи Гиппократ ўзининг “Соғлом турмуш тарзи ҳақида” номли рисоласида бу феномени тиббий нуктаи назардан қараб чиқади уни асосан инсон жисмоний саломатлигига шу билан бирга муҳитнинг ташқи омиллари –иқлим тупроқ кишиларнинг ҳаёт йўсини мамлакатлар қонунлари ва бошқаларга шунингдек одамга ундаги жисмоний ва руҳий хусусиятларнинг таъсирига боғлаб тушунтиради.

Бугунги кунда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга тўсиқ бўладиган омиллар сифатида наркобизнеснинг кучайиши, миллий ғояга зид бўлган ёт ғояларнинг тарқатишга бўлган уринишлар, турли хилдаги юқумли касалликларнинг тез ва осонлик билан тарқалиб бориши, эрта турмуш қуриш ёки қариндошлар ўртасида юз бераётган никоҳлар, халқаро терроризмнинг кенг қулоч ёйиши, Ғарб телевидениелари орқали

берилаётган беҳаё фильмлар намоиши ва “оммавий маданият”нинг кириб келишини санаб ўтиш мумкин<sup>9</sup>.

Фарғона политехника институти ўқитувчилари томонидан соғлом турмуш тарзини яратишга доир тавсияларда ОАВга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ёритилган фильмларни телевидениеда намоишини кўпайтириш, телевидение орқали кўрсатувлар ва фильмлар намоиши чоғида машҳур актёрларнинг тамаки чекиб туриш ҳолатлари туширилган тасвирларни олиб ташлаш кабиларни таклиф этишган. Шунингдек, телевидение орқали спорт катта ҳаётга қўйилган дастлабки қадам эканлигини очиқ берувчи ва спортнинг ижобий оқибатлари ёритилган рекламалар бериб бориш таклиф сифатида берилган.

---

<sup>9</sup> Холмирзаев Н., Абдурахмонов Ғ. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни, <http://fikr.uz/blog/11463.html>, 12.05.2017.

### 1.3. Ўзбекистон спорт сайтларига тавсиф

Ўзбекистонда интернет журналистикаси ривожланиб борар экан, мамлакатимизда энг кенг тарқалган сайтлар рейтингига эътибор қаратамиз. Рейтингда спорт сайтларининг ўрни қандай? Ўзбекистоннинг энг кўп ўқиладиган сайтларнинг ТОП ўнталигига эътибор қаратамиз. Манба рус тилида эълон қилинганлиги боис, қандай бўлса, шундайлигача тақдим этамиз<sup>10</sup>:

| №  | Наименование сайта                                                | Посетители<br>TAS-IX<br>(20.05.17) | Просмотры<br>TAS-IX |
|----|-------------------------------------------------------------------|------------------------------------|---------------------|
| 1  | <u>Daryo — новости на узбекском</u>                               | 252313                             | 1543179             |
| 2  | <u>KUN.UZ - Новости Узбекистана и мира</u>                        | 189188                             | 852527              |
| 3  | <u>olx.uz (ранее Torg.Uz) - бесплатные объявления Узбекистана</u> | 93020                              | 1195469             |
| 4  | <u>Stadion.UZ - Новости футбола</u>                               | 85809                              | 297061              |
| 5  | <u>Uff.uz - Новости футбола в Узбекистане.</u>                    | 76560                              | 212972              |
| 6  | <u>Mover.uz - Видеоролики онлайн</u>                              | 67630                              | 800264              |
| 7  | <u>championat.asia - новости футбола Центральной Азии</u>         | 68135                              | 309122              |
| 8  | <u>Газета.uz - Новости Узбекистана</u>                            | 57218                              | 112509              |
| 9  | <u>MyTube - Онлайн видео ролики, приколы, аниме и клипы</u>       | 48876                              | 403895              |
| 10 | <u>Новости Узбекистана - podrobno.uz</u>                          | 35400                              | 81048               |

<sup>10</sup>[http://www.uz/ru/stat/visitors/ratings?VisitorRating%5Bperiod%5D=daily&VisitorRating%5Btax%5D=1&cat\\_id=0](http://www.uz/ru/stat/visitors/ratings?VisitorRating%5Bperiod%5D=daily&VisitorRating%5Btax%5D=1&cat_id=0)

Эътибор қилинса, етакчи 10 та сайт ичидан уч ўрин — 4-, 5- ва 7-ўринлар айнан футбол сайтларига тегишли. Шунингдек, Tribuna.UZ Новости футбола и спорта” (25889), “Сайт болельщиков ФК “Реал Мадрид” (13264), “Сайт футбольного клуба Барселона” (8563), “Сайт любителей ФК “Real Madrid” (4690), MUFC.uz – Сайт болельщиков “Манчестер Юнайтед” (3973) “Сайт фанатов клуба “Навбахор” (2604), “Penalti.uz Новости мира футбола” (2017) каби футбол сайтлари мамлакатимизда юқори рейтингларга эга.

Ўзбекистоннинг етакчи спорт портали — SportPortal.uz куйидаги асосий бўлимлардан иборат (алифбо тартибда): альпинизм, бокс, болалар спорти, гимнастика, кураш, параолимпик спорт, қишки спорт турлари, теннис, футбол, шахмат, экстремал спорт ва бошқ.

Энди спорт сайтлари йигирматалигини келтирамиз. Сайтлар рейтингдаги ўринларни нисбий тарзда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки, бу ерда спорт турининг обрўйи ҳам рейтингга таъсир қилади. Мисол учун, гимнастика ва енгил атлетика сайтлари, гарчи улар охирги ўринларни банд қилган бўлса-да, фаолияти яхши йўлга қўйилган. Бевосита сайтлар тавсифига ўтамиз.

- 1) Olamsport.com — мазкур сайт маълумотларни ўзбек тилида жойлаштиради. Фойдаланувчилар спортнинг барча турлари бўйича энг сўнгги ва янги ахборотларни олиш имкониятига эга. Материалларга илова сифатида жуда расм ва видеоматериаллар қўйилади. Ҳарфларнинг кичик ўлчовда теририлиши унинг асосий камчилигидир.
- 2) Olimpic.uz — Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасининг расмий сайти. Сайтда маълумотлар уч: ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилади. Фақатгина, ўзбек тилидаги версияси фаол тарзда иш олиб боради. Йирик спорт тадбирлари, спортчиларимизнинг республика ва халқаро мусобақалардаги иштироки, учрашувлар, шартномалар, янгиликлар, ғалабалар ҳақидаги маълумотлар сайт контентини ташкил этади. Лекин,

расмлардан фойдаланиш анча оқсайди ва ахборотлар тез-тез янгиланмайди.

- 3) [Sports.uz](http://Sports.uz) — тармоғида материал уч тилда келтирилади. Мухим учрашувлар пайтида онлайн-трансляциялардан фойдаланилади. Бу усул аудиторияни кенг жалб этади. Ўзбек ва инглиз тилларидаги сайтлар маҳаллий ва халқаро янгиликларни кенг ёритади, рус тилидаги версия кўпроқ Ўзбекистон янгиликларига бағишланган. Спорт мусобақалари ва уларнинг яқунлари ҳақидаги ахборотлар тезкорлик билан ўқувчига тақдим қилинади. Спортчилар билан интервьюларнинг ташкил этилиши сайтнинг характерли жиҳати ҳисобланади. Фото ва видеоматериаллардан унумли фойдаланилади.
- 4) [interfutbol.uz](http://interfutbol.uz) сайти рус ва ўзбек тилларида фаолият олиб боради. Футболга тегишли халқаро ва миллий янгиликлар бирмунча кўп. Мунтазам равишда фотасарлар, интервьюлар, шарҳ ва муҳокамалар бериб борилади. Шунингдек, умумлаштирилган маълумот ва бошқа типдаги материаллар сайтда талайгина топилади. Сайт хусусида ишимиз давомида яна тўхталамиз.
- 5) [stadion.uz](http://stadion.uz) портал шаклида фаолият юритади. Бош мавзу – футбол. Материаллар ўзбек ва рус тилларида берилади. Бошқа порталлардан фарқли томони шундаки, [stadion.uz](http://stadion.uz) блогерларга кўп эътибор қаратади. Видеошарҳларга алоҳида эътибор қаратади.
- 6) [alfasport.uz](http://alfasport.uz) сайти шарқ курашларига ихтисослашган. Сайт бўлиб ўтган ва келгусидаги мусобақалар ҳақида информация етказиб туради. Хабарлар фақат рус тилида жойлаштирилади. Фото ва бошқа визуал материаллар жуда кам ёки деярли учрамайди.
- 7) [championat.asia](http://championat.asia) — энг қизиқарли сайтлардан бири бўлиб, асосан футбол мавзусини ёритади. Материаллар уч тилда етказилиши эълон қилинган бўлса-да, инглиз тилидаги материаллар деярли берилмаяпти. Фото ва видеоматериалларга кенг эътибор беради.

- 8) [magichess.uz](http://magichess.uz) портали “Сехрли шахматлар” клубига тегишли. Сайтда миллий ва жаҳон шахмат мусобақалари ҳақидаги хабарлар, шахматчиларимиз иштирокидаги мусобақалар ва уларнинг жадваллари берилади. Шахматчилар рейтинглари эълон қилиб борилади. Лекин, сайтнинг шрифти жуда кичкина, ўқилиши қийин.
- 9) [ufa.uz](http://ufa.uz) — Ўзбекистон футзал федерациясининг расмий веб-сайти. Маълумотлар асосан маҳаллий янгиликлардан иборат:

- мамлакат биринчилиги;
- Ўзбекистон кубоги;
- ҳаваскорлар лигаси;
- терма жамоа мусобақалари ва бошқ.

Материаллар ўзбек ва рус тилларида эълон қилинади, рус тилидаги анча орқада, яъни деярли янгиланмайди.

- 10) [wrestling.uz](http://wrestling.uz) сайти Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясига тегишли. Кураш бўйича қандай янгилик бўлса, мазкур сайтдан топиш мумкин. Таниқли спортчиларнинг архивлари, таржимаи ҳоли ва улар ҳақида бошқа маълумотлар келтирилган. Мусобақалар эълонлари, натижалар, турли янгиликлар рус ва инглиз тилларида чоп этилади.
- 11) [rowingcanoe.uz](http://rowingcanoe.uz) портали Ўзбекистон “Rowing & canoe” федерациясига тегишли. Сайт яхши олиб борилмаяпти. Мусобақа натижалари кеч эълон қилинади, маълумотлар кўпроқ рус тилида берилади. Бўлажак тадбир ва мусобақалар ҳақидаги янгиликлар эса ўз вақтида чоп этилади. Сайтга Федерация, унинг раҳбарияти ҳақидаги батафсил маълумотлар жойлаштирилган. Сураатлар ҳам анча кўп.
- 12) [bowling.uz](http://bowling.uz) — Ўзбекистон кегли спортининг федерацияси портали. Сайт фақат рус тилида фаолият олиб бориб, унда бўлиб ўтган ва келгусидаги мусобақалар, тадбирлар ҳақидаги маълумотлар, боулинг ғолибларининг рейтинглари ҳам жойлаштирилади.

- 13) [judo.uz](http://judo.uz) — Ўзбекистон дзю-до федерациясининг расмий веб-сайти. Рус тилидаги маҳаллий ва халқаро мусобақалар ҳақидаги хабарлар, таниқли спортчиларнинг расмлари, улар ҳақида видеороликлар жойлаштирилган. Деярли ҳар ой спортчиларнинг рейтинглари эълон қилинади. Сураатларга кенг ўрин ажратилади.
- 14) [uzchess.uz](http://uzchess.uz) — Ўзбекистон шахмат федерациясининг расмий веб-сайти. Гарчи, мазкур сайт йирик федерацияга тегишли бўлса-да, спорт сайтлари рейтингида “Сехрли шахматлар” клубига қарашли [magichess.uz](http://magichess.uz) порталидан орқада юради. Материаллар фақат рус тилида эълон қилинади. Бўлиб ўтган ва бўлажак турнирлар ҳақида маълумотлар, миллий терма жамоа аъзоларининг рўйхати, халқаро миқёсдаги натижалар ҳақида маълумотлар бериб борилади. Сайтдаги сураатлар деярли янгиланмайди ва шунинг учун ҳам эски сураатлар кўп учрайди.
- 15) [olympicboxing.uz](http://olympicboxing.uz) сайти Ўзбекистон бокс федерациясига тегишли. Мамлакатимизда бокснинг баланд обрўга эгалигида ушбу сайтнинг ҳам хизмати бор. Сайт барча янгиликларни ўз вақтида ёритиб боради. Мусобақа ва турнирлар ҳақида кўп информация беради. Федерация, боксчи ва мураббийлар ҳақидаги ахборотларга кенг ўрин ажратади. Бокс тарихи ва унинг йирик намояндалари, халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси (AIBA) талаблари, спорт клубларининг рейтинглари ҳақидаги маълумотлар талайгина. Лекин, профессионал бокс кам ёритилади.
- 16) [gymnastics.uz](http://gymnastics.uz) — Ўзбекистон гимнастика федерациясига тегишли сайт. Федерациянинг таркибий тузилиши, раҳбарияти, спортчилар ҳақида турли маълумотлар, энг сўнгги янгиликлар мунтазам чоп этиб борилади. Мусобақалар батафсил ёритилади.
- 17) [taekwon-do.uz](http://taekwon-do.uz) — Ўзбекистон таэквондо ITF ассоциацияси сайти. Фаолият рус тилида олиб борилади. Ўтказилган ва бўлажак маҳаллий ва халқаро мусобақалар бўйича маълумотлар жуда кўп. Таэквондо спорт тури

тарихи, қоидалари, спортчи ва мураббийлар ҳақидаги маълумотлар, янгилик ва анонслар бериб борилади.

18) [the-uff.com](http://the-uff.com) — Ўзбекистон футбол федерациясининг расмий сайти. Ўз фаолиятини ўзбек ва рус тилларида олиб боради (кўпроқ рус тилида). Маълумотлар жуда секин янгиланади. Футбол тарихи ҳақида маълумот кўп. Фойдаланувчилар ўтказилган ва бўлажак мусобақалар ҳақида маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Маҳаллий футбол янгиликларига эътибор қаратилаб, сураатларга ҳам алоҳида эътибор берилади.

19) [uzathletics.uz](http://uzathletics.uz) — Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг сайти. Маълумотлар ўзбек ва рус тилларида эълон қилинади ҳамда изчил равишда янгиланади. Енгил атлетика тарихи ва бугунги куни яхши ифодаланган. Миллий ва халқаро мусобақалар ҳақида батафсил маълумотлар бор. Федерация тузилмаси, раҳбарияти, спортчилар ва мураббийлар ҳақида фактлар кўп. Порталда махсус адабиёт, видеоқўлланмалар мавжуд.

20) [tennis.uz](http://tennis.uz) — Ўзбекистон теннис федерациясининг сайти. Юқорида таъкидланганидек, сайтни қуйироқда келтирилиши теннис спорт турининг Ўзбекистонда 20-ўринда туради дегани эмас. Боиси, мамлакатимизда теннис бўйича бир қатор нуфузли халқаро мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Сайтга келсак, у рус ва ўзбек тилларида иш олиб боради. Унда теннис олами янгиликлари, машҳур теннисчилар ҳақида маълумотлар, бўлиб ўтган мусобақалар тафсилотлари, келгусидаги мусобақалар хусусидаги хабарлар кенг ёритилади. Ўзбекистон теннисчиларининг рейтинглари эълон қилинади. Сайт дунёга машҳур мазкур спорт тури бўйича турли мамлакатларда ўтказиладиган нуфузли мусобақаларни изчил ёритиб боришга интилади. Сайтда расмлар ва хроникалар жуда кўп. Турли фото ва видеоматериаллар ҳам бор.

Фаслга хулоса сифатида айтиш зарурки, юқорида тилга олинган спорт сайтлари Facebook, Twitter, Одноклассники, ВКонтакте каби дунёга машхур ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларига эга. Бугунги кунда материални сайтда ёки ижтимоий тармоқда жойлаштириш ўртасида деярли фарқ қолмади. Агар расмий маълумотлар кўпроқ идоравий сайтларга қўйилса, шахсий маълумотларнинг муаллифлари уларни йирик тармоқларга қўйишни афзалроқ кўришади<sup>11</sup>.

Ўзбекистонда, Испанияда ва бошқа Европа мамлакатларида сайтларнинг ўзаро пойгасида футбол сайтлари олдинги ўринларда кетаётганига шубҳа бўлмаса керак. Футбол — миллионлар ўйини. Маълумки, футбол бўйича жаҳон биринчилигининг финал ўйинлари миллиардлаб —инсоният тарихида энг катта телеаудиторияни йиғишга кодир.

Шу боис Ўзбекистон футбол сайтлари мамлакатимизнинг бошқа спорт сайтларидан анча олдинда кетмоқда, десак хато қилмаган бўламиз. Буни Интернет амалиётининг ўзи кўрсатмоқда.

Энг аввало, бундай сайтларнинг сонига эътибор берайлик. Биринчи фаслда қуйидаги етакчи футбол сайтлари келтирилган эди: Stadion.UZ — футбол янгиликлари; Uff.uz — Ўзбекистонда футбол янгиликлари; championat.asia – Марказий Осиё футбол янгиликлари. Қўшимча равишда айтиш мумкинки, “Tribuna.UZ футбол ва спорт янгиликлари”, “Реал” (Мадрид) спорт клуби мухлислари”, “Барселона” футбол клуби сайти”, MUFC.uz “Манчестер Юнайтед” мухлислари сайти”, “Навбаҳор” клуби фанатлари сайти”, “Penalti.uz дунё футбол янгиликлари сайти” ҳам кенг тарқалган спорт ахбороти манбаларидир<sup>12</sup>.

---

<sup>11</sup><http://darakchi.uz/ru/25253>.

<sup>12</sup>[http://www.uz/ru/stat/visitors/ratings?VisitorRating%5Bperiod%5D=daily&VisitorRating%5Bsix%5D=1&cat\\_id=0](http://www.uz/ru/stat/visitors/ratings?VisitorRating%5Bperiod%5D=daily&VisitorRating%5Bsix%5D=1&cat_id=0)

Энди футбол ташкилотларининг сайтларига ўтамиз. Ўзбекистон Интернет сегментини кўриб чиқишимиз шуни кўрсатдики, ҳар бир вилоят футбол жамоаси ўз сайтига эга экан. Алфавит тарзида уларнинг кўринишлари қуйидагича: Bunyodkor (Toshkent), Dinamo (Samarqand), Lokomotiv (Toshkent), Mash'al (Muborak), Navbahor (Namangan), Nasaf (Qarshi), Neftchi (Farg'ona), Olmaliq (Olmaliq), Paxtakor (Toshkent), Xorazm (Xorazm), Sho'tan (G'uzor).

Футболга бағишланган бошқа сайтлар: “Бухоро футбол клуби фанатлари сайти”, “Динамо (Самарқанд) фан клуби”, “[Uzfootball.uz](http://Uzfootball.uz)”, “[FK.uz](http://FK.uz)”, “[UzFutbol.narod.ru](http://UzFutbol.narod.ru).(Ўзбекистон ва Осиё футбол янгиликлари)”, “МДХ футбол”, “[Fanat.uz](http://Fanat.uz) (Ўзбекистон футбол мухлислари сайти)”, “[Start.uz](http://Start.uz). (Ўзбекистон спорт янгиликлари)” ва бошқ. Ундан ташқари Ўзбекистон ҳакамлари сайти, Ўзбекистон профессионал футбол лигаси сайти ва бошқа саҳифалар мавжуд<sup>13</sup>.

Айрим манбаларга мурожаат этайлик. “Интерфутбол” сайти бошқалардан анча фарқ қилиб туради<sup>14</sup>. Катта ва чиройли расмлар, тезкор ахборот, яхши анонслар ҳамда бошқа кўпдан-кўп қизиқарли нарсалар бор. Энг яхши сайтлардан қолишмайди. Чунки бу ерда қолақ полиграфик техника эмас, барча нарсани электрон техника ҳал қилади.

Айрим пайтлари янги спорт сайтлари ҳам ишга тушиб туради. Шулардан биттаси 2017 йил май ойида ўз фаолиятини юрита бошлади<sup>15</sup>. Жаҳон ва ўзбек футбол оламидаги энг сўнгги янгиликлар ҳамда спортга

---

<sup>13</sup>Қаралсин: <http://chekushka3.narod.ru/uzbekistanfootball.html>  
23.05.17.

<sup>14</sup>Манба: <http://interfutbol.uz/23.05.17>

<sup>15</sup>Манба: <http://uz24.uz/uz/sport/gzbekistonda-sport-saytlari-yana-bittaga-kgpaydi>  
23.05.17

оид таҳлилий материаллар эълон қилинадиган янги JFL.UZ сайти ишга тушди.

Сайт янгиликларни ўзбек тилида бериб боради ва маълумотлар суратлар билан бойитилган. Сайт қуйидаги ижтимоий тармоқ ва мессенжерда ўз саҳифасига эга: Telegram'да: @JFL.uz bot (<https://telegram.me/jfluz>); Twitter'да: @uz\_jfl (JFL.UZ (Futbol) @uz\_jfl ).

“Эрудит Спорт” газетасининг интернетдаги расмий сайти ҳам фаолият кўрсатади. Интернетдаги [www.erudit-sport.uz](http://www.erudit-sport.uz) саҳифаси орқали ўзбек, жаҳон футболли, миллий спортимиз ҳамда жаҳон спортига оид хабар ва янгиликлар, таҳлилий ва долзарб мавзулар ҳақида мақолалар ўрин олади.

Сайтда ранг-баранг тасвирлар, қизиқарли мақолалар эълон қилиб бориш мақсад қилинган. Бошланишида сайтнинг асосий қисми ва мобил иловасида камчиликлар бўлиши мумкин, бу жараён бартараф этиб борилади. Ўзбек футболли ва спортли ҳамда Еврофутболли кенг ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилган ижодкорлар мухлисларнинг бу борадаги «чанқоғи»ни қондиришлари кутилмоқда<sup>16</sup>.

Фаслга хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон спорт сайтлари бугунги кунда анча илгарилаб кетган. Дунё бўйича яхши сайтларга хос бўлган кўп ютуқлар Ўзбекистон сайтларига ҳам хос. Бу, албатта, биринчи ўринда компьютер техникасининг мукамаллиги билан изоҳланади. Чунки, сайт графикасининг барча элементларини компьютер ёрдамида топиш ва уларни керак бўлган ракурсда ишлатиш қийин эмас.

---

<sup>16</sup><http://uff.uz/news/sections/uzbek/205166>. 23.05.17

## **I боб бўйича хулоса**

Сайтларнинг безатилишидаги ютуқларни билиш учун бугунги сайтларни олдингилари билан солиштириб кўриш керак. Бугун сайтлардаги хоҳлаган расм, графика ва матнларни кичайтириш ёки каттайтириш мумкин. Аввалги техникалар воситасида буни амалга оширишнинг имкони йўқ эди. Масалан, расмни кичайтириш учун уни устидан, остидан ёки ёнларидан қирқиш керак эди. Матн линотипда қандай терилган бўлса, уни саҳифага худди шундай кўйиш зарур эди. Рангли расмга эга бўлиш учун босмахонада газета қоғози ранглари сони қанча бўлса (2, 3 ёки 4) шунча марта полиграфик ротатордан ўтказиш зарур эди. Рангли газеталарни чиқариш техник жараёни газета босилишини анчага кечиктирарди.

Полиграфик ташкилотлар ихтиёрида шрифтларнинг сони унча кўп эмасди. Газеталар асосан 3-4 шрифтдан фойдаланарди. Шрифтларнинг расмига (бадий шаклига) ва саҳифалаш усулига қараб муштарийлар ўз газеталарини танирдилар.

Бугунги кунда ҳар битта компьютерда юзлаб турли шрифтлар захираси мавжуд, исталган шрифтдан фойдаланиш имконияти мавжуд. Энг муҳими, газета саҳифасининг барча элементлари компьютер воситасида хоҳлаган кўлам ва ўлчамда берилиши мумкин. Агар расм кичкиналик қилса, уни каттайтириш осон ва бунда унинг сифати саҳифада деярли бузилмайди. Аксинча, кичайтириш керак бўлса, бу масалада ҳам муаммо йўқ, техник жиҳатдан расмни кичайтириш жуда осон ва бу ҳам расмнинг сифатига қандайдир салбий таъсир ўтказмайди.

Шрифтларни ўзгартириш, кичрайтириш ёки катталаштириш осон. Шрифт размерлари ўртасидаги диапазон катта бўлмаганлиги сабабли (8, 9, 10, 11, 12, 14 ва бошқ.), бу унча ҳам билинмайди. Компьютердан фойдаланилмаган олдинги полиграфик жараёнда материал макетдаги белгиланган жойга сиғмаса, уни қисқартириш талаб этилар эди. Ёки аксинча, бўш жой қолса, ўша вақтнинг ўзида навбатчи журналист 10-20

сатр материалга қўшимча ёзишига зарурат туғиларди. Ҳозир эса компьютернинг ўзи матнни мослаштириб беради, матнга қўшимча қўшишга ёки олиб ташлашга зарурат қолмаяпти.

Аввалги даврларда полиграфик жараёнларнинг ичида энг мураккаби — босиш пайтида рангли расмларда ҳар бир рангнинг чегаралари бошқа рангнинг чегараси билан тўғри келиши эди. Чунки у жуда кичкина ва нозик чегара эди, унинг бузилиши саҳифада яққол кўриниб қоларди. Рангларни бир-бирига “подгонка” қилиш полиграфик меҳнатнинг энг оғир турларидан бири эди.

Бугунги кунда бу масалада ҳам муаммо қолмади. Рангли расмлар исталган ҳажм ва ўлчамда бериб борилмоқда, ранглар бир-бирининг устига чиқиб кетмаяпти ёки бир-биридан узилиб қолмаяпти. Бу компьютер техникаси имкониятлари юқорилигидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, электрон газеталарни чиқариш техникаси бугунги кунда жуда ҳам ривожланган ва мукамал бўлганлиги сабабли, Ўзбекистонда спортга бағишланган электрон сайтларининг сифати жуда яхши ва бошқа мамлакатларникидан қолишмаяпти.

Бугун сайтларнинг ютуқларини фақат техника билан боғлаш нотўғри. Бу ерда инсон омили ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим. Бу таҳририят ходимлари ўз ишларига ситқидилдан, масъулият билан ёндашиши, ҳар доим янгиликка интилиши билан ҳам боғлиқ.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ-МАВЗУИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. “Эрудит спорт” газетасининг ўзига хос хусусиятлари**

Мамлакатимизда тинч-осуда яшаб, яратилган кулай имкониятлардан фойдаланиб, ўз қобилияти ва салоҳиятини намоиш этиб, миллатимизнинг ғурури ва шаънини кўтараётган спортчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Ҳа, Ватанимиз спортчилари жаҳон ва қитъа чемпионатларида, олимпия ўйинларида ва жамийки барча халқаро мусобақаларда мунтазам равишда қатнашиб, шохсупанинг юқори ўринларини банд этиб, совриндорлар қаторидан жой эгаллаб келишмоқда. Ўз ўрнида спортчиларимизнинг бундай ютуқлари барчамизга фахр-ифтихор бағишлаши билан бирга, мамлакатимиз нуфузи, шон-шавкати юксалтириб, давлатимиз байроғини жаҳон арenalари бўйлаб баланд ҳилпиратмоқда. Ўзбекистон фарзандларининг бундай натижаларини кўрган ҳар қандай инсон халқимизни ҳеч кимдан кам эмаслигига ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигига яна бир қарра иқдор бўлмоқда.

Халқимиз ҳаётида оммавий спортни йўлга қўйиш, профессионал спорт турлари билан шуғулланувчи юксак маҳоратли спортчиларни етиштириш ҳар қандай халқ учун ҳам ҳаётий зарурият ҳамда тенгсиз шон-шараф тимсоли эканлигини ҳисобга олиб, барча спорт турларини мукамал биладиган етук спорт журналистлари зарур эканлигига амин бўлмоқдамиз. Ҳозирда футбол ва боксдан ташқари бошқа спорт турларига доир мусобақалардан малакали савияда репортажлар берувчи, қизиқарли шарҳлар ёзувчи журналистларимиз ниҳоятда озлиги барчамизга аён. Шу боисдан ҳам бугун халқимизнинг фахр-ғурури учун қуйиб-ёниб ўз қобилиятини кўрсатадиган ёш журналист кадрлар керак бўлмоқда.

Эътибор берадиган бўлсак, бугунги кунда республикаимизда “Спорт”, “ЎзРепорт”, “Футбол ТВ” телеканаллари ва кўплаб спортга оид газеталар, интернет сайтлари фаолият юритиб, аудиторияни ахборот билан таъминламоқда. Хусусан, “Спорт” телеканалининг ижодий ходимлари бу

борада ахборотни тезкорлик билан тақдим этишмоқда. Шунингдек турли-туман янгидан-янги газеталар пайдо бўлиб, спорт ихлосмандларини қизик ва қайноқ хабарлар билан баҳраманд қилишмоқда..

Бугунги кунда матбуот нашрларида учраётган асосий муаммолардан бири, хориж жамоаларининг, футболчиларининг номлари ОАВда бузиб кўлланаётганидир. Масалан, “Аш-Шабоб”ни газеталарда “Ал-Шабоб”деб ёзишса, “Хабарлар” дастурида ҳам шундай ўқишади. Сабаби, русча нашрларда шундай ёзилади-да. Бу жиддий хато. Шунингдек, асосий муаммолардан яна бири, танқидий мавзудаги материалларнинг озлиги деб ўйлаймиз.

Аудитория тушунадиган тилда ёзиш, гапириш, хуллас, спорт журналистикасининг равнақ топиб, гуллаб-яшнаши учун, аввало, спорт атамаларини ўзбекчалаштириш, спорт атамалари луғатини тузиш, чоп этиш, шунингдек ушбу соҳага оид илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга китоблар ёзиш муҳим омиллардан саналади. Шу билан бирга ушбу мутахассислик эгалари спортни халқимиз орасида кенг оммалаштириш, хусусан ўзбек спорти муваффақиятларини дунёга танитиш, шунингдек жаҳон спорти янгиликларини халқимиз орасида профессионал даражада оммалаштириш билан шуғулланишади. Кўриниб турибдики, спорт журналистикасининг ривожланиши ва малакали ёш журналист кадрларнинг кўпайиши натижасида ўзбек спортчиларининг шон-шухрати мамлакатимиз миқёсида ва шунингдек жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига хизмат қилади. Бу йўлда спортчилар билан биргаликда спорт журналистлари ҳам ўз салоҳиятларини кўрсатишлари лозим. Биз таҳлил этаётган “Эрудит Спорт” газетасининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Дастлаб газета ҳақида сўз юритсак. “Эрудит Спорт” газетаси ҳафтада икки марта чоп этилади. Бош муҳаррир: Рустам Нуриллаев, адади: 17.500 нусха. Аудитория талабига кўра адад ўзгариб туради. Ҳажми 48 бет. Формат А4. Муассис: Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Эрудит” Ижодий маркази.

Газетанинг икки сони монографик тарзда таҳлил қилинди. 2017 йил, 11 май. № 38. Биринчи саҳифада (муковада) йирик ҳажмда футболчи Жанлуижи Буффоннинг сурати эълон қилинган. Чап томонда тўртта визуал закладка бор: 1) Самарқанд остонасидаги жанг: Uzbek tigers vs Cubadomadores;

2) Миржалол Қосимов: “Бунёдкор” мавқеини тиклашимиз зарур”, интервью;

3) “Навбахор” — “Қўқон-1912”, “Динамо” — “Насафни” мағлуб эта оладими?”;

4) Ҳафта ўйинлари: “Реал” — “Севилья”, “Тоттенхэм” — МЮ”, “Рома” — “Юве”га қарши!”.

Газета А4 форматда бўлганлиги сабабли, унинг кўп саҳифалари яхлит мавзули шаклда тузилган. 2-бет боксга бағишланган, саҳифани Усмон Ибодов тайёрлаган. Шапка: “Мутлақ рекорд билан жаҳон чемпионатида, ёхуд навбат Самарқанддаги жангга”. Кириш хатбошида айтилганки, “Бокс бўйича Олимпиадада жаҳоннинг тенгсиз мамлакати эканлигини исботлаган Ўзбекистон терма жамоаси бир йил ўтиб, Осиёда ҳам мутлақ, тенгсиз эканини кўрсатди. Бир ҳафта давомида Тошкентдаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида бокс бўйича бўлиб ўтган Осиё Чемпионати мезбонларнинг тўла устунлигида якунланди. Ўзбекистон терма жамоаси 10 та олтин медаль имкониятидан 9 тасини қўлга киритиб, Осиёда янги рекорд қайд этди”. “Ўзбекистон” жамоаси 1-ўринни қўлга киритди.

Мусобақага мутахассиснинг шарҳи сифатида профессионаллар ўртасида собиқ жаҳон чемпиони Руслан Чагаевдан интервью олинди: “Бизга муносиб ўринбосарлар чиқаётганидан хурсандман”. Лекин, мақолада бироз бўрттириш ҳам бор. 11 млнлик Куба бокс бобида 30 млнли Ўзбекистондан деярли қолишмади десак, муболаға бўлмайди. Агар, Ўзбекистон Кубани 13 майда Самарқандда 3:2 ҳисобига енгган бўлса, 19 май куни Гаванада 0:5 ҳисобига ютқазди. Лекин, бу мағлубият миллий матбуотимизда деярли гапирилмади.

Газетанинг 3-саҳифаси “Янгиликлар”га бағишланган. Материалларда муаллифлар кўрсатилмаган. Бешта қисқа хабар, тўртта кичкина сурат жойлаштирилган. “Бунёдкор” клубига яна бир бор бош мураббий этиб тайинланган Миржалол Қосимовнинг қисқача таржимаи ҳоли ҳам чоп этилган. Хабарда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осиёда 6-, дунёда 60-ўринда экани айтиб ўтилган.

4-бетда муҳаррир Усмон Ибодовнинг “Лушаннинг 6 кашфиёти” деб номланган қисқа лавҳалардан иборат материали чоп этилган. Мақола “Бунёдкор” клубининг собиқ бош мураббийи Сергей Лушан ҳақида. Хатбошидан иқтибос келтирамиз: “Бунёдкор” Лушан кўл остида ҳеч қандай соврин юта олмаган бўлса-да, мураббий фаолияти даврида бир қанча ёшларни кашф этдики, бугун у ўз лавозимини бошини тик тутган ҳолда тарқ этишга ҳақли. “Эрудит Спорт” Сергей Ивановичнинг “Бунёдкордаги энг яхши 6 та кашфиёти”ни санаб ўтган. Материалда 6 нафар футболчи фамилияси келтирилган, лекин расмлардаги одамлар сони олтита эмас, еттита, мураббий (иккинчи марта) тушиб қолган. Буни котибиятнинг ишидаги хато деб баҳолаш мумкин. Аслида эса таҳририят Лушанга нисбатан Миржалол Қосимовнинг айтган гапларини такрорлади, бу таҳририятнинг ўз сўзлари эмас.

5-бетни шарҳловчи Диёр Имомхўжаев тайёрлади. Бу – “Нуқтаи назар” рукнида чиққан ва бутун саҳифани эгаллаган яхши муаммоли мақола. Сарлавҳасининг ўзида қочирма бор: “Ғозлар жанубга учиб кетдимиз?”. Материал — Интернетда эълон қилинган мақола муҳокамасининг давоми. Мақола шундай бошланади: “Дарё” интернет нашрида яхши бир хабар чиқаргандик. Бухоро вилоятининг ҳозирги ҳокими Самарқанддаги фаолияти давомида Тачмурод Агамуродовни ишдан олган, кейин эса Бухорога келиши билан яна ўша ишини такрорлаган”. “Дарё”даги мақолага, журналистга билдирилган эътирозни таҳририят ўша танқидий материалнинг ёнида эълон қилади ва шу билан Ўзбекистон Республикасининг ОАВ тўғрисидаги қонунчилигида қўйилган талабни

бажаради. Лекин, таҳририят баҳсни давом эттиради. Муаллиф жавоб ёзиб, лавозимдаги одамнинг компетенциясига шундай баҳо беради: “Журналистика аслида нима эканини билмай туриб, журналистикани уларга ўргатадиган футболдаги айрим кишилар бу мақолани ўқийдими йўқ билмайман-у, аммо бир-икки жиҳатни билиб олса, балки ёмон бўлмасди. Агар журналист кўлида факт бўлса, уни оммага эълон қилади. Самарқанд ва Бухорога битта инсоннинг ташрифи, деярли бир хил натижа қайд этиб турган айнан битта мутахассиснинг ишдан олинishi – факт”. Д.Имомхўжаев айнан матбуот билан боғлиқ бўлган шаффофлик масаласини биринчи ўринга қўяди ва шу билан журналистика “тўртинчи ҳокимият” мавқеига эга бўлиши зарурлигини эслатади: “Бухоро”нинг Олий Лигани тўртинчи ўринда якунлагани зўр натижа эмас, дейилганди хатда... “Бухоро” сарф этилган пуллар борасида Олий Лиганинг иккинчи клуби бўла туриб, нега натижаси тўртинчи бўлиб қолган... Агамуродов ва унинг ёрдамчилари берилган пулни қандай сарфлаган, нима мақсадларга йўналтирган менда асос йўқ. Бирок, факт шуки, “Бухоро” ҳеч бўлмаганда Чемпионлар Лигаси йўлланмасига эга чиқа олмаган... Мен илгари сурмоқчи бўлган фикрда гап ҳокимнинг оқиллиги ёки “Бухоро”нинг чемпионлигида эмас, чалғиб кетмайлик. Мен айнан шаффофлик масаласини истаётгандим...”.

Мақолада қизиқарли фикр-мулоҳазалар кўп. Муаллиф айнан “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ҳамда Ўзбекистонда 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганидан келиб чиқиб иш юритади. Натижада мақола ҳукуқий жиҳатдан мустаҳкам асосга эга бўлган.

Бир саҳифанинг эгаллаган мақолани муаллиф шундай якунлайди: “Мен нимани назарда тутаётганимни тушунгандирсиз? Балки Агамуродов вилоят, Бобоевлар Тошкент клублари пулини емагандир. Балки...

Иккинчиси бўлиб чиқмаса хурсанд бўламан. Қайсилигини билишимиз учун шаффофлик керак эди”.

Журналистика соҳасидаги мутахассислар спорт нашрларини тармоқли матбуот деб номлайдилар ва, тўғриси айтиш керак, сиёсий ҳамда ҳуқуқий жиҳатлардан уларга юқори баҳо бермайдилар. Юқорида таҳлил қилинган мақола бундай қарашлар хато эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Кейинги бетлар футбол хроникаси ҳақида бўлиб, 8-9 саҳифалар Миржалол Қосимов билан интервьюга бағишланган. Материални Бахтиёр (фамилия кўрсатилмаган – Ш.Ғ.) тайёрлаган. Унда асосан “Бунёдкор”нинг обрўини қайта тиклаш ҳақида сўз юритилиб, мураббийнинг журналистларга мурожаати келтирилган: “Футболимизнинг олдинги мавқеини қайтаришимиз керак. Шундай оғир вазиятда журналистларимиздан илтимос қилардим, иложи борича футболчиларни қўллаб-қувватлашса яхши бўларди. Ҳозирги кунда футболчилар интернет сайтлар, газеталар, ижтимоий тармоқларни ўқишади. У ерда ёзилган нарсалар уларга таъсир қилади”.

Шундай қилиб, мақолада журналистиканинг спортдаги ўрни ҳақида футбол мутахассиси томонидан сўз юритилган. Мамлакатимиз футболидагитаниқли мутахассис томонидан ОАВга, электрон сайтларга берилган бундай баҳо катта аҳамиятга эга.

11-бетда эса интернетда кенг қўлланиладиган усулларнинг биридан фойдаланилган. Аслида бундай лойиҳаларни кўпроқ веб-сайтлар қўллайди. Аммо, анъанавий матбуотда ушбу усулдан фойдаланиш урф бўлмаган. Саҳифада футбол жамоасининг сурати қўйилиб, “Танидингизми?” деб сўралган. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган 3 иштирокчининг уяли алоқа воситаларига 5 минг сўмдан пул ўтказилиши қайд этилган. Бу ҳам газета аудиториясини кенгайтиришнинг бир усули. Аммо, ғолиблик учун қўйилган сумма жуда оз ва кулгили. Шунга яқин усуллардан яна бири 28-

бетда келтирилган. Таҳририят бу бетда СМС орқали “СМС Фан-клуб” аъзоларидан “Мухлис минбари” саҳифасига муносабат сўраган.

Газетада мураббий ва футболчиларнинг ҳаёт йўллари кузатилиб, улар ҳақида очерк ва лавҳалар эълон қилинган. Мисол учун, 13-бетда “Манчестер Сити” жамоаси бош мураббийи Хосеп Гвардиола ҳақида очерк чоп этилган. Унинг таржимаи ҳоли, футбол соҳасида амалга оширган ишлари ҳақида батафсил гапирилган. Лекин, мураббийнинг фамилияси айтилиб, унинг исми негадир келтирилмаган. Бу бизнингча журналистик маданиятга риоя қилмаслик билан боғлиқ жиҳат.

Газетада дунёнинг машҳур футболчилари ҳақида лавҳа, хабар ва бир саҳифани эгаллаган ҳажмдор материаллар ҳам эълон қилинган:

1. “Роналду орзусидаги 10 рекорд” (14-бет, Рустам тайёрлади);
2. “Шамол тезлигида ўсаётган Мбаппе” (15-бет, Аюбхон таржимаси);
3. “Рим — бу менинг ҳаётим”. Тоттининг хайрлашув мактуби” (21-бет, Дилмуҳаммад);
4. “Сахий Санчес” (40-бет, Сарвиноз);
5. “Деле Алли: балки кейинги мавсумдан совринларни қўлга киритишни бошлармиз” (41-бет, Аюбхон);
6. “Бэйлга нима бўляпти?” (43-бет, Рустам);
7. “Йиғла, “Барселона”! (44-бет, Рустам);
8. “23 ёшда Роналду ва Суаресдан ўзиб кетган Лукаку” (45-бет, Улуғбек);
9. “Манчестернинг “кичкина шахзодаси” (46-бет, Ўткир Жалолхонов) ва бошқ.

Газетанинг сўнгги саҳифаси (48-бет)да Диёр Имомхўжаевнинг яна бир қизиқарли материали чоп этилган. Мақола қарама-қарши фикрларни акс эттириб, “Талаб ва таклиф” номи билан эълон қилинган. У янада характерли рубрикага эга бўлган “Офсайд” саҳифасида берилган. Мақола Миржалол Қосимов “Бунёдкор” клубининг мураббийи этиб тайинлангани,

бирок бу хабар ҳаммага ҳам яхши кайфият уйғотмагани ҳақида бўлиб, материалнинг хатбошисида: “Миржалол Қосимов “Бунёдкор”ни қабул қилиб олганида мухлислар фикридаги хилма-хилликни кўрдим. Одамлар фикрлаётган бўлса, футболга ўз принципларига кўра баҳо бераётган бўлса, бунинг ёмон томони йўқ”, деган мулоҳаза берилган.

Материал аввалида ўқувчини ўйга толдирадиган, иккилантирадиган, баҳсга чорлайдиган тугуннинг тақдим этилиши муаллиф маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Материал шундай бошланади: “Фикрлар орасида Қосимов фақат яхши жамоаларда ишлагани ва амалда ҳеч нарсани исботлай олмагани, Лушан ёшларга эътибор қаратган бўлса, Қосимов ўша ёшларга умуман имконият бермаслиги борасидаги қарашлар ҳам бор”.

Д.Имомхўжаев мақола давомида бу фикр бир ёқлама эканлигини исботлашга ҳаракат қилиб, мақоласини шундай якунлайди: “Қосимов эса фақат ёшлар билан бир нима қилиб бўлмаслигини билади. Конте ҳам, Моуриньо ҳам, Гвардиола ёки Раньерининг ўзи ҳам фақат ёшларга ишониб қолмаган. Улар натижа учун ўйнади ва бу йўлда ўз талабларини илгари суради. Улар ўзини ҳурмат қилишга ва ўзига яхши нарсаларни раво кўришга ҳақли, менимча”. Фикримизча, журналист иккала томон фикрини акс эттириб, масалани очик қолдирган, “вақт кўрсатади” ёки “Қосимов ишончни оқлашга ҳаракат қилиши керак”, деган кабилида фикр юритган. Ва, ниҳоят, 20-бетда кутилмаган ва оригинал усулдан фойдаланилган: жаҳоннинг олти нафар таниқли футболчиси ва мураббийининг карикатураси берилган.

“Эрудит Спорт”нинг бошқа бир сонини кўриб чиқамиз<sup>17</sup>. 2-бетда Диёр Имомхўжаевнинг “Эрон тайёр, биз-чи?” номли шарҳи эълон қилинган. Хатбошида шундай жумлалар бор: “Эрон билан ўйинга бир ойдан камроқ вақт қолди. Биласиз, форслар бизни мағлуб этадиган бўлса, Мундиаль йўлланмасини нақд қилиб кўяди. Фақатгина шу факторнинг ўзи Карлуш

---

<sup>17</sup> “Эрудит-Спорт, ”№ 40, 2017 йил, 18 май

Кейруш жамоаси имкониятларининг нисбатан юқори эканини англатиб тургандек”.

Мақолада Эрон футболчиларига батафсил тавсиф бериб, бу жамоанинг Ўзбекистондан кўп жиҳатлар бўйича устун эканлигини кўрсатиб, терма жамоамиз футболчиларини ўйинга жиддий чорлаган ҳолда, муаллиф ўз фикрини шундай яқунлайди: “Бу ўйиндан олдинги интрига. Футболда эса ҳар қандай натижа бўлиши мумкинлигигина бизга биров таскин бериши мумкин. Ҳамма жиҳатлар рақиб фойдасига ишлаётгани билан битта аниқ зарба эвазига балки Техрондан ғалаба билан қайтишимиз ҳам мумкин, тўғрими? Худди Греция Евро-2004 финалида Португалияни мағлуб этиб қўйгани каби. Фақат бунга Бабаяннинг (Самвел Бабаян, Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийи, яна исми кўрсатилмаган - ...) ақли етадими ёки йўқ – масала шунда қолди”.

3-бетда одатдагидек янгиликлар чоп этилган. Муаллиф йўқ, тўртта материалдан учтаси футболга, жумладан, “Ўзбекистон – Таиланд” ҳамда “Ўзбекистон – Эрон” ўйинларига бағишланган. “Ринг қироллари” рукнида Ўзбекистон боксчилари, Ўзбекистон – Куба жамоалари ўртасида Самарқанд ва Кубадаги мусобақалар ҳақида материал эълон қилинган. Маълумки, икки учрашув натижасига кўра, Ўзбекистон бокс жамоаси 3:7 ҳисобида мағлубиятга учради.

4-бет “Ўзбек спорти” деб номланган. Унда Ўзбекистон жамоаси Озарбойжон пойтахти Бокуда IV “Ислом бирдамлиги ўйинлари”да 30 та медаль билан 3-ўринда бораётгани ҳақидаги ҳисобот бор. Бокуда каратэ, дзюдо, бадий гимнастика, парадзюдо, теннис, тош кўтариш ва бошқа спорт турлари бўйича биринчиликлар ўтказилмоқда. Материални МОҚ матбуот хизмати ходими Зафар Имомхўжаев тайёрлаган.

5-бетда Усмон Ибодовнинг “ФИФА “Шўртан”ни нега жазоламоқчи бўлди?” деб номланган муаммоли мақоласи эълон қилинган. Қувонарлиси шундаки, у журналистларнинг биров ёддан кўтарилиб қолаётган журналистик текширув жанрида ёзилган. Мухбир олиб борган суриштирув

натижасида аниқландики, “Шўртан” жамоасининг раҳбарлари ўйламасдан сербиялик футболчи Урош Милославлевич билан бир йиллик шартнома тузган экан, лекин, у билан биринчи даврдан кейин хайрлашилган. Атиги 4 ой туп сурган футболчига ўз вақтида пул тўланмаганлиги учун, жамоа пеня билан бирга, охир-оқибатда 59 минг АҚШ доллари тўлашга мажбур бўлган. “Умид қиламизки, — дейди материал охирида муаллиф У. Ибодов, — бундай зараркунанда легионер билан бўлган воқеа нафақат “Шўртан” учун, балки бошқа клубларимиз учун ҳам дарс бўлиб хизмат қилади”.

8-бет боксга бағишланган. Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ғалаба қозонган Бектемир Мелиқўзиев, Муроджон Аҳмадалиев ва Иқбол Холдоровлар билан Улуғбек Раҳмонкуловдан интервьюлар олинган. Учинчи интервью бошқа (сарик) ранг билан ажратилган. Хатбоши ва расмлар ҳам рангли. Бу усуллар саҳифани бироз жонлантирган.

9-бетда Интернетда эълон қилинган материалнинг таржимаси босилган. Материал интервью шаклида бажарилган, таржимани Рустам амалга оширган. Унинг сарлавҳаси: “Бухоро”дан бошқа жамоалар тактикаси ғалати туюлади...”. Умуман олганда, интервью қизиқарли, футболчининг сурати ҳам анча сифатли. Лекин, хатбошида ноаниқлик бор: “Бухоро” клубининг украиналик ҳимоячиси Владимир Баенко икки турдан буён Ўзбекистон чемпионатининг рамзий жамоасига киритилмоқда. Жорий йилнинг ёзида бухороликлар сафига келиб қўшилган футболчи қисқа фурсатда жамоага мослашишга, гол киритиб, ҳатто сардор бўлишга ҳам улгурди. Украинанинг “FootBoom” портали муҳбири ўзбек клубининг янги етакчиси билан шу ва бошқа масалаларда суҳбат курди”.

Журналистик нуқтаи назардан материал анча сифатли бўлса-да, иккита хатога йўл қўйилган. **Биринчидан**, “FootBoom” порталида эълон қилинган суҳбатнинг оригинал варианты қачон чиққани кўрсатилмаган. “Эрудит Спорт”нинг мазкур сони эса 18 майда чиққан, демак ёзгача ҳали икки ҳафтача вақт бор эди. Натижада В.Баенко худди ёздаги ўйинларда майдонга тушгандек таассурот уйғотади. Бу **иккинчи** хатони келтириб

чиқарган. Шу ўринда порталдаги интервьюнинг биринчи саволини келтирайлик: “Қишда “Бухоро” сафига қўшилдингиз. Ҳисобингизда саккизта учрашув бор. Мослашиш қийин кечмадими?”. Шу саволни диққат билан ўқиган одам футболчи бухороликлар сафига жорий йилнинг ёзида эмас, балки қишда келиб қўшилмаганига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Чунки, суҳбатнинг оригинал вариантыда футболчининг бухороликлар сафига қишда келиб қўшилгани аниқ ёзилган. Демак, таржимон оригинални диққат билан ўқимаган, таҳририят ҳам хатоларни ўтказиб юборган.

Газетанинг ушбу сонида мақолаларнинг шакл ва мазмунида деярли ўзгариш кузатилмаган. Газетани безатилишда ҳам аввалги усулдан фойдаланилган, саҳифалар яхлит бир футболчига бағишланган:

13-бет: “Ўрган, студент-2” (Доминико Кайзер, “Лейпциг” сардори);

14-бет: “Стипендиядан 300 миллионгача” (Лионель Месси, “Барселона”);

15-бет: “Заҳира кироли!” (Иско Франсиско, “Реал” Мадрид);

17-бет: “Роналду: “Примера ва чемпионлар лигасини ютсам, “Олтин Тўп” яна меники бўлади” (Криштиану Роналду, “Реал”нинг етакчиси);

21-бет: “Оловли йўллар” (Нии Лемпти, ганалик, “Андерлехт”дан, Бельгия).

Дунё футбол грандлари “Реал” ва “Барселона” жамоалари ўртасидаги баҳс ҳақидаги маълумот ва мулоҳазалар ўзбек матбуотига ҳам кўчган. Испания чемпионатининг 37-тури ҳақидаги 34-бетдаги яхлит саҳифа “Реал” ва “Барса” ўртасидаги интрига давом этмоқда” деб номланган. Бу иккала клуб рақобати ҳамиша дунё футбол ишқибозларининг диққат марказида. Ўзбекистон матбуоти ҳам бундан мустасно эмас ва бу табиий ҳол.

Европа мамлакатлари чемпионатлари алоҳида саҳифаларда шарҳланган:

- “Англия чемпионати” (33-саҳифа);

- “Испания чемпионати” (34- саҳифа)
- “Италия чемпионати” (35- саҳифа),
- “Германия чемпионати” (36- саҳифа),
- “Франция чемпионати” (37- саҳифа)
- “Россия чемпионати” (38- саҳифа).

Фақат жадвалда 1-ўринда кетаётган “Спартак” (Москва) жамоасининг номидаги “к” ҳарфи тушиб қолиб, Чехиянинг “Спарта” жамоаси номига ўхшаб қолган.

42-саҳифа “Футбол ва оила” деб номланган бўлиб, унда “Олтин тўп” соҳиби, украиналик футболчи Андрей Шевченконинг оиласи ҳақида сўз юритилган. Мавзу яхши танланган. Оила ва футбол хусусида футболчи мулоҳазалари тақдим этилган.

45-бет чехиялик голкиперга бағишланган: “Қирқ ёшгача дарвоза кўриқлашга аҳд қилган Петр Чех 20 май куни 35 ёшини қаршилайди”. “Эрудит Спорт” нашри дарвозабоннинг туғилган куни билан қутлаб, унинг таржимаи ҳолида учрайдиган айрим маълумотларни ёдга олади.

46-бетдаги рукн “Жаҳоннинг жорий мавсумдаги энг тезкор 10 футболчиси” деб номланиб, унда футболчиларнинг ҳаракатланаётган лаҳзадаги расмлари чоп этилган.

Одатдагидек, сўнгги саҳифадаги (“Офсайд”) рукнида Диёр Имомхўжаевнинг танқидий мақоласи чоп этилган: “Отдан тушдик, навбат эгарга...”. Мақолада ЎФФга билдирилган жуда асосли ва ўринли эътирозлар бор. Жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси халқаро ўйинлардан воз кечаётгани тилга олинган. Мақоладаги мулоҳазарга эътибор қаратамиз: “Марказий Осиё давлатлари билан ўйнамасак, МДХ турнирига боришни истамасак, “Ислом бирдамлиги ўйинлари” бизга тўғри келмайди деб турсак. Савол туғилади, ўзи бизни нима қаноатлантиради? Бразилия билан Аргентина қандайдир турнирга Ўзбекистонни таклиф қилишидан кўра, туянинг думи ерга тегиши осонроқ, тўғрими?”.

Муаллиф мақолада дадиллик билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирипти, аудиториянинг эътиборини мавжуд муммоларга қаратяпти. Масалан, мақолада шундай сўзлар бор: “Мен бунда ЎФФни айбламоқчи эмасман. Зеро, унинг ўзига ақл ўргатадиган ёки буйруқ берадиган одамлар ҳам етарлича бўлган. Йўқса, ташкилот келишиб қўйган жойидан Туркия ёки Қирғизистон билан ўйинларни бекор қилмас, балки “Ислом бирдамлиги ўйинлари”да иштироқ этар, МДХ Кубогини ҳам ўз вақтида ёшлар термасининг тайёргарлиги учун олиб қўйиши мумкин эди... Мана шундай паллаларда ЎФФ етакчиликти, ташкилотчиликти ўз қўлига олишдек вазифадан қочмагани чиройли бўларди”. Ва, ниҳоят, энг кучли охириги жумла: “Ахир Осиё Футбол Конфедерацияси ҳам Марказий Осиё мамлакатлари футбол федерацияларининг бошини қовуштиришни айнан Ўзбекистонга ишониб топширган-ку”. Фикримизча, бу ўринда журналистика ўз вазифасини оқилона бажарган.

Газетанинг ҳар бир сониди маълум бир жамоанинг йирик расми берилиши одатга айланган. Мазкур соннинг 24-бетида “Нефтчи” жамоаси, 38-сонда эса Самарқанднинг “Динамо” жамоаси сурати жойлаштирилган. 20-бет эса карикатура билан бойитилган.

Фаслга хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, “Эрудит Спорт” газетаси спортнинг барча турларига бағишланган бўлса-да, асосий ва бош мавзу — футбол. Бу масалада Ўзбекистон ва Испания спорт нашрлари ўртасида деярли фарқ йўқ. Иккала мамлакатнинг спорт ишқибозлари асосан эътиборларини футболга қаратади. Газеталар эса ушбу қизиқишга мос равишда иш олиб боради. Акс ҳолда, уларнинг харидорбоплиги таъминланмайди, медиабозорда ўз ўрнини тополмайди.

Футбол хусусида гапирганда, халқаро миқёсда футболни ёритишнинг умумий модели шаклланган. Бу модель ўз ичига мазмун жиҳатидан ёритиладиган мавзуларни, футбол тарихини, ўйинчи ва мураббийларнинг бугунги куни ҳамда архиви, шакл жиҳатдан катта ва чиройли

фотоасарларни, йирик сарлавҳаларни, хабар, ҳисобот ва интервьюларни камраб олади.

## **2.2. “Интер футбол” ва “Футбол экспресс” газеталари**

Футбол мавзусидаги материаллар спорт журналистикасида муҳим ўрин тутadi. Футболга ихтисослашган нашрларнинг навбатдаги “Интер футбол” нашри бўлиб, газетага “Интерфутболмедиа” МЧЖ ва “Олмазор-Косон” ХКК муассислик қилади. Бош муҳаррир Аҳаджон Абдуҳамитов. Таҳририят манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳри. Газета ҳафтада икки марта чоп этилади. Адади: 10150 дона. Ўқувчилар талабига кўра адади ўзгариб туради.

Газетанинг айрим сонларини таҳлилга тортамыз. Нашрнинг 13-сони<sup>18</sup>. муқовасида учта сурат берилган. Аслида бу жуда кўплик қилади, ундан кўра битта ёрқин расм берган маъқул эди. Ишлатилган шрифтлар, бобнинг 1-фаслида таҳлил этилган нашрга нисбатан, биров каттарoқ.

Газетанинг 2- ва 3-бетларида берилган Муҳаммал Валининг “Ғалаба ларзалар бағрида яшайди, ёки “Алашкерт” кетидан адашиб кет, алам!” деб номлаган материал танқидий шарҳ жанрида ёзилган. Аммо, кириш жуда кўтаринки руҳда бошланган, материалнинг давомий қисмига назар ташланса, эмоционал нуқтаи назардан кириш ва асосий қисм бир-бирига услубан мос эмас. Масалан, материал шундай бошланади “Ларза нима ўзи? Уни бутун вужуд билан қандай ҳис қилиш мумкин? Мазкур саволларга ҳар бир ақли расо инсоннинг ўзига яраша жавоби бор, албатта. Биз бу ўринда мисол учун, ардоқли санъаткоримиз Муножот Йўлчиева ижросида ларзани тилга олмоқчимиз. У “Муножот “ни бутун вужуди билан куйлаганда, назаримизда, бутун борлиқ ларзага тушади, титрайди, тўлғонади. Борлиқ ва вужуд, истеъдод ва имконнинг уйғунлашуви ҳамда биргаликда ларзага тушиши натижасида буюк ижро туғилади. Янада аниқроғи, ҳар бир янги ижрода янги буюклик кўз очади...”.

---

<sup>18</sup>“Интер футбол” газетаси, 2017 йил, 14 февраль.

Газетхон беихтиёр ўйланиб қолади: муаллиф сахнада таниқли хонандамизнинг концертида эмас, газетанинг янги сони учун материал ёзиш арафасида турибди. Бундай пайтда “бутун борлиқ ларзага тушади, титрайди, тўлғонади” ва бошқа шу каби сўзлардан фойдаланиш услуб нуқтаи назаридан ҳам тўғри эмас.

Мақолада Туркиянинг Анталия шаҳрида Мартуни шаҳрининг “Алашкерт” (Арманистон) футбол клуби Ўзбекистон терма жамоаси билан бўлиб ўтган ўртоқлик учрашувида 2:0 ҳисобига ғалаба қозонгани ҳақида гап кетмоқда. Муаллиф бу учрашувга шундай баҳо беради: “Алашкерт” балки ҳеч қачон халқаро расмий учрашувларда муносиб қатнашмас, лекин бу клуб футболчилари энди битта мамлакат бош жамоасини енгишганини асло унутишмайди. Бу воқеа тилдан-тилга кўчади ва улар қаердадир ўзбекистонлик мухлисга дуч келишганида, қувлик-қитмирлик қилмасликларига биров кафолат беролмайди. Шу маънода айтсак, Самвел Бабаян ва унинг шогирдлари қандай хатога йўл қўйишганини тушунишлари шарт. Бу – шармандалик! Бошқа ҳеч нарса. Фойда эмас, аксинча, зарар келтирадиган назорат учрашуви!”. Футбол шарҳловчисининг терма жамоа ва унинг раҳбарларига берилган баҳосига қўшилса бўлади.

Матбуот нашрининг 7-бетида машҳур ўзбекистонлик футбол ҳаками Равшан Эрматов ҳақида маълумот бор: “ФИФА рефериси Равшан Эрматов Россия-2018 мундиалида ишлашга номзод ҳакамлар семинарига таклиф этилди. 3-7 апрель кунлари Италиянинг Флоренция шаҳридаги Коверчано тайёрлов марказида ташкиллаштириладиган семинарда жами 53 нафар ҳакам қатнашади”.

Тадқиқ этилаётган нашрнинг номи “Интер футбол” бўлса-да, хорижий футбол масаласига “Эрудит” каби кенг эътибор қаратмаслиги сезилади. Масалан, шу сонда бу ҳақда гап фақат 22-бетдан бошланади. “Реал” ҳужумчиси, португалиялик Криштиану Роналду ҳақидаги мақола футболчининг футболдаги ўрнига эмас, балки тижорий фаолиятига

бағишланган. Криштиану топган даромадларига турли мамлакатларда, жумладан, Португалия, Бразилия, Аргентинада ҳамда Африка қитъасида меҳмонхоналар қурдираётгани хусусида гапирилган.

Мазкур масалада “Интер футбол” Испаниянинг етакчи спорт нашри бўлган “Марка” газетасини тилга олмоқда: “Испаниянинг “Marca” газетаси маълумотларига кўра, дунёнинг энг яхши футболчиси меҳмонхона қуриш учун 75 млн евро ажратган. Тез орада Лиссабон ва Фуншалда яна биттадан Pestana CR7 қурилади, шунингдек, Мадрид ва Нью-Йоркда ҳам худди шундай меҳмонхоналар қад ростлайди. Нью-Йоркдаги иншоот учун шаҳарнинг бош майдони – Таймс-сквердан жой ажратилган”. Албатта, тижорат қизиқ мавзу, газета бундай материалларни босиш орқали ўз ўқувчиларини севимли футболчиларнинг кўпчилиikka номаълум жиҳатлари билан таништиради. Бу эса аудиториянинг мароқли дам олиши учун ёрдам беради.

Бугунги кунда анъанавий матбуот нашрлари ва электрон сайтлар кундан-кунга бир-бирига боғланиб бормоқда. 7-бетда виртуал ва анъанавий медиалар бир-биридан маълумот олиши ҳақида сўз юритилган. “Бош соврин соҳиби – “Самкор-1” сарлавҳали хабарда шундай ёзилади: “Жомбой туманида Самарқанд вилояти футбол федерацияси кубоги финал учрашуви бўлиб ўтди. Samfutbol.uz сайти хабарига кўра, қизғин курашлар остида кечган ўйинда “СамКОР-1” жамоаси “Жомбой”ни 3:2 ҳисобида мағлуб этди”. Ҳозирда анъанавий нашрлар сайтларда эълон қилинган хабар ва янгиликлардан самарали фойдаланмоқда. Газеталарда чоп этилган таҳлилий материаллар баҳси Интернет тармоғида баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Формати кичик бўлган газеталарда одатда катта материаллар босилмайди. Лекин, тадқиқ этилаётган нашрда шу усулдан фойдаланилган. 8-12-бетларда “Мавсум тараддуди” номли беш бетли шарҳ эълон қилинган. Муаллифлар кўрсатилмаган. Шарҳ охирида “Клубларнинг расмий сайтларидаги маълумотлардан ҳам фойдаланилди” деб айтилган. Бу ерда

“Локомотив”, “Бунёдкор”, “Насаф”, “Бухоро”, “Пахтакор”, “Қизилқум”, “Металлург”, “Шўртан”, “Сўғдиёна”, “Нефтчи”, “Кўкон-1912”, “Олмалик”, “Обод”, “Навбахор”, “Динамо” жамоалари ҳақида турли маълумотлар бор.

Газетада янада “яхлит саҳифа” усули ишлатилган:

6-бет: “Бунёдкор”нинг бош мураббийи Сергей Лушан билан интервью;

13-бет: таниқли мураббий Вадим Абрамов билан интервью;

16-бет: “Локомотив” яримҳимоячиси Икром Алибоев билан интервью;

20-бет: “NBU-Осиё” клубининг бош мураббийи Руфат Акрамхўжаев билан интервью;

26-27-бетлар: “Ювентус” клубининг дарвозабони Жанлуижи Буффон билан интервью (манба – football.ua электрон сайти);

44-45-бетлар: “Барселона” ярим ҳимоячиси, хорватиялик футболчи Иван Ракитич билан интервью (манба – “ССФ” сайти).

Шундай қилиб, 48 бетли газетанинг 8 бети суҳбатларга бағишланган. Интервьюлардан маълум бўлмоқдаки, кўп футболчилар турли ижтимоий сайтларда ўз саҳифаларига эга экан.

Навбатда тадқиқ этилаётган газета “Футбол экспресс” бўлиб, унинг бир неча сонларини кўриб чиқамиз. Ҳажми: 32 бет. Муассис: “Футбол – С” МЧЖ. Мухаррир: Шукрулло Исҳоқов. Адади ўзгариб туради: шу соннинг адади 5200, умумий адади: 11200.

Газетанинг 13-сони муқовасида иккита сурат, миллий терма жамоанинг Туркияда бўлгани ўртоқлик учрашувларидан лавҳалар акс этган<sup>19</sup>. Матбуот нашрида “Интер футбол” билан деярли бир хил материаллар чоп этилган: миллий терма жамоамизнинг “Алашкерт” билан ўйини ҳақида мураббий Самвел Бабамяннинг фикри; Равшан Эрматовнинг Флоренциядаги семинарда қатнашиши.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, бу нашр турли электрон манбалардан кўп фойдаланиши маълум бўлди: Haysport.ru, the-uff.com, lokomotiv.uz,

---

<sup>19</sup>“Футбол экспресс” газетаси, 2017 йил, 14 февраль.

matchtv.ru, fc-olmaliq.uz, championat.asla, pakhtakor.uz, sokker.py, spotrtrts.ru, eurofootball, fcneftchi ва бошқ. Футбол клублари сайтларидан олинган материаллар тез-тез учраб туради.

Абдулҳафиз Абдулазиз ўғлининг “Бунёдкор” қошидаги футбол мактаби директори ўринбосари Рустам Акбаров билан уюштирилган интервьюси “Айрим мураббийларни тижоратчи-таъмагирлар тоифасига киритса бўлади” деб номланган. Биринчи саволнинг ўзида мухбир томонидан муаммо кўндаланг қўйилган: “Кейинги пайтда ўзбекистонлик мураббийлар савияси ҳақида кўп гапирилмоқда. Улар томонидан эга чиқиладиган лицензияларнинг кадри, нархи ўта тушиб кетадиганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Футболимизнинг савияси кўтарилмайдиганлигига айнан мана шу омилларнинг ҳам таъсири борлигини бир қатор мутахассислар эътироф этиб ўтишмоқда”. Ўрганишлардан шу аёнки, муаллиф ва нашр танқидий ёндашувларга кенг эътибор қаратмоқда. Спорт газетаси бошқа нашрларга танқид масаласида ўрнатилган бўла олади.

Беҳзод Назаровнинг “Совриндорларни рағбатлантириш сари” деб номланган мақоласида футбол ривожига борасидаги жуда муҳим масала кўтарилган. Япония мисолида футболчиларни ҳукумат томонидан маблағ билан таъминлаш ва яхши натижалар учун уларга катта пул мукофотларини тақдим этиш ҳақида сўз юритилган. Япония мисолида сарфланаётган долларлар ўрганилган. Футболчиларни рағбатлантириш Ўзбекистонда ҳам жиддий оқсатганига урғу берилган.

8-9 бетлардан ўрин олган интервью болалар футболга ҳақида бўлиб, айтиш жоизки, мавзу жуда долзарб. Аммо, муаммолар тўла очилмаган. Кейинги бетлардан ўрин олган интервью профессионал футбол лигаси бош директори Фарҳод Магометов билан уюштирилган. Муаллиф (Фирдавсхон) интервью қандай ёзилиши кераклиги хусусида билимга эга эмас. Материал қизиқарли ва ўқишли эмас. Материалда мураббийларни ишдан бўшатиш ва футбол ўйинларини ташкил этиш жараёнлари ҳақида сўз юритилган. Материални оддий газетхонга ҳеч қандай қизиқ жойи йўқ,

шунчаки футболни бошқарадиган одамларнинг бюрократиясини мақтайдиган интервью кўринишида намоён бўлган.

Газетада маҳаллий футбол клубларига кўп эътибор берилаётгани ижобий ҳол: “Бухоро”, Навбахор”, Суғдиёна”, “Қўқон-1912”, “Машъал” ва бошқ. Жумладан, 14-бетда “Динамо” (Самарқанд) клуби мураббийи Эдгар Гесс билан интервью чоп этилган, лекин бу унда бирор-бир янгилик йўқ, ҳаммаси куруқ, барчага маълум ва эски гаплар.

Кейинги саҳифалардаги материаллар Европа чемпионлар лигасининг чорак финалдаги бўлажак ўйинларига бағишланган. Материални Ж.Зайнобутдинов тайёрлаган ва УЕФА сайтидан олинганлиги тўғрисидаги манба ҳам кўрсатилган. Бу анъанавий ва электрон нашрларнинг ҳамкорлигига мисол бўла олади.

“Жаҳон футболи янгиликлари” рубрикасида XX асрнинг энг номдор футболчиларидан бири, аргентиналик машҳур ҳужумчи Диего Марадона ҳақида унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасидан олинган хабар босилган: “Расман ФИФА ходимиман. Ниҳоят, бутун умрлик орзуим рўёбга чикди. Энди футболни чин юракдан севадиган одамлар билан ФИФАда ишлайман. Менга ишонч билдирган барчага миннатдорчилик билдириб қоламан”.

Фикримизча, таҳлил қилинаётган нашрларнинг жиддий бир нуқсони бор. Бундай амалиёт футбол дунёсида одатий ҳолдир, лекин, фикримизча, ўзбекистонликларни футболчиларни сотиб олишга ўргатиш керак эмас. Ҳар бир сонда ўнталаб хабарлар бор: қайси клуб қайси ўйинчини неча миллион долларга сотиб олди, қайси клуб раҳбарияти қайси футболчи билан неча миллионлик битим тузди ва бошқ. Бундай материаллар бизнинг аудитория учун керакми? Бундай материаллар кўпайиб кетаверса, миллат, айниқса, ёшлар онгида биз кутмаган ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Масалан, шу сонда футболчиларни клублар томонидан сотилиши ва сотиб олиниши ҳамда суммалар ҳақида маълумотлар жуда кўп.

Энди Италия — Ўзбекистон спорт нашрлари ўртасидаги ижодий алоқалар ҳақида ҳам икки оғиз сўз юритамиз. “Футбол Экспресс” ушбу сонда Италиядаги “Ла Газетте делло Спорт” нашридан олинган ва испаниялик футболчи Хосе Кальехон билан ўтказилган интервьюни босди. Материал “Хосе Кальехон: “Марадона “Бернабеу”да бизни қўллаб туришни ваъда қилди” номли сарлавҳа билан чиқди. Уни Бехзод Назаров тайёрлаган.

Нашрнинг 24-бетида қуёш батареялари ёрдамида ёритиладиган ареналар ҳақида материал чоп этилган ва саккизта стадион рўйхати келтирилган. Материаллар “Sports.uz” сайтидан олингани айtilган. Спорт газетасида чоп этилган ушбу амалиёт қуёшли Ўзбекистон учун намуна бўла олади.

25-бетда эса Испаниянинг “Спорт-Экспресс” нашридан олинган “Реал” – корчалонлар ён босадиган клуб...ми?” номли материал босилган, уни Ж.Зайнобутдинов тайёрлаган.

Бир қатор саҳифаларда Европа мамлакатлари футбол биринчиликларининг навбатдаги тур ўйинлари ёритилган. Бу бизнинг спорт нашрларимиз учун яхши анъанага айланди.

“Футбол Экспресс”нинг 23-сони<sup>20</sup> муқовасида “Наврўзи олам муборак, юртдошлар!” деган ёзув билан икки етакчи материалга анонс берилган. Муқовада Фарғонанинг “Нефтчи” жамоаси матбуот хизматининг сурати қўйилган. Бу журналистик ҳамкорликнинг яна бир тури.

Газетанинг дастлабки 4 бети футбол янгиликларига бағишланган бўлиб, турли сайт ва матбуот хизматларидан олинган. Уларнинг биронтаси таҳририят томонидан тайёрланмаган. Миллий чемпионатдаги ҳар бир ўйин икки жамоа вакиллари томонидан икки позициядан туриб, изоҳлаб берилган, бунга ижобий баҳо бериш мумкин.

Фирдавсхоннинг Равшан Эрматов билан интервьюси чоп этилган: “Равшан Эрматов: “Бизнинг чемпионатда ҳам дарвоза ортида турувчи

---

<sup>20</sup>“Футбол экспресс” газетаси, 2017 йил, 21 март.

ҳакам жорий этилиши керак”. Таниқли ҳакам футбол ишқибозларига жуда муҳим бўлган янги маълумотларни етказмоқда: “Европа футболда беш нафар ҳакамнинг фаолият олиб боришини кузатиб келмоқдамиз. Дарвоза ортида турувчи ҳакам Европа чемпионлар лигасида ҳам жорий этилиб келинмоқда. Айтишим керакки, бунинг фойдасини кўриб турибмиз”.

Абдулҳафиз Абдулазиз ўғлининг бугунги Ўзбекистон футбол ҳақида, “Бунёдкор” клуби мисолидаги “Манзилни аниқ билмай йўлга тушгандекмиз...” деб номланган таҳлилий мақоласи эълон қилинди. Киришда шундай сўзлар бор: “Салбий жиҳат сифатида қайси томонларни кўрмоқдасиз, деган савол беихтиёр юзага келади. Келинг, биргаликда нима учун боши берк кўчага кириб қолаётганимиз-у, бунинг сабабларини таҳлил қилиб кўрайлик”. Мақолада Ўзбекистон футболда мавжуд бўлган жиддий нуқсонлар ҳақида сўз юритилган.

Собиқ ҳакам Шерали Арслонов 60 ёшга тўлганига бағишланган кутлов материали “Машаққатли касбни танлаганидан афсусланмаган инсон” деб номланган. Мақолани икки бет қилиб бериш шарт эмас эди, унда диққатни тортувчи бирор-бир мазмунли гап йўқ. (Муаллиф: Абдулҳафиз Абдулазиз ўғли).

Н.Сайдуллаев Таиланд жамоаларининг бирида футбол ўйнаётган ўзбек ўғлони Жавлон Гусейнов билан интервью уюштирган. Унда яхши бир факт борки, Ўзбекистон учун бу амалиёт ўрнатилган бўла олади. ОАВ ва спорт ўртасидаги ҳамкорликка бағишланган саволга Ж.Гусейнов қуйидагича жавоб берди: “Жуда зўр. Футболнинг мамлакатда биринчи рақамли спорт тури бўлишида айнан матбуотнинг ҳиссаси жуда катта. Таиландда премьер-лига ҳамда биринчи лиганинг барча ўйинлари ТВ ва интернет орқали тўғридан-тўғри намойиш этилади. Ҳар бир баҳсга журналистларнинг эътибори жуда юқори”.

Лекин, интервью матнининг матни жуда кичкина, 11 шрифтда, ниҳоятда зич терилган, ўқиш жуда қийин. Спорт — маълум даражада рекреатив журналистика талабларига бўйсунди, дам олиш эса бундай

ташкил этилмайди. Газета бошқа нашрларнинг фикрини ҳам келтиради. 17-бетда чоп этилган Ж.Ғуломовнинг “Поль Погба трансфер қийматига нолойиқ ўйин кўрсатяпти...ми?” номли мақоласи шундай бошланмоқда: “Жумладан, “Daily Mail” нашри бу хусусда шундай ёзди: “Жерард, Скоулз ва Лэмпард каби ижрочиларни ёдга оларкансан, Погбани улар билан билан ёнма-ён қўйишга ўйланиб қоласан. Номлари зикр этилган юлдузлар 105 миллион еврога баҳоланмаганлар, аммо Полдан кўра зўр ўйнаганлари аниқ”.

22-бетда қизиқарли бир маълумот эълон қилинган: “ФИФА Мали клублари ҳамда бир қатор футбол амалдорларини вақтинча дисквалификация қилишга қарор қилди. Бунга эса Мали ҳукуматининг мамлакат футбол федерацияси ишларига аралашгани сабаб бўлган”. Шундай қилиб, кўриниб турибдики, миллий ҳукуматлар спорт федерациялари ишларига аралаштишга ҳаққи йўқ. Хабарнинг сарлавҳаси: “ФИФА бир қатор клублар ва амалдорларни дисквалификация қилди”. Бундай амалиёт Ўзбекистонда ҳам жорий этилиши керак.

Ушбу сонда “Футбол” (Россия) ҳафтаномаидан анчагина таржималар мавжудлиги кўзга ташланади. Газетанинг 26-31-бетларида Европа мамлакатлари биринчиликлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган. Фаслга хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда футбол мусобақаларини ихтисослашган нашрларда ёритиш маълум бир модель асосида амалга оширилмоқда. Бу масалада журналистлар бошқа мамлакатлар моделларидан ўрнатилганни кўриниб турибди. Бундай тажрибани ўзлаштиришни ижобий баҳолаш мумкин.

Футболга бағишланган Ўзбекистон спорт газеталарининг диққат марказида барчани қизиқтирадиган муаммолар бор: ўйинлар жадвали, қизиқарли учрашувлар ҳақидаги ҳисоботлар, футболчиларнинг майдондаги ҳаракатлари, учрашувларнинг энг қизғин паллалари, ўйинлар ҳақида футболчилар, мураббийлар ва мутахассисларнинг фикрлари ва

бошқалар. Мазкур масалаларда миллий спорт газеталаримиз бошқа мамлакатлар газеталарига нисбатан ёмон кўринмайди.

## **II боб бўйича хулоса**

Спортга бағишланган босма нашрлар бугунги кунга келиб, маълум бир анъаналарга эга бўлди. Буларнинг ичида спортнинг жамиятдаги обрўйини кўтариш, болалар спортга кўпроқ эътибор бериш, дунёда бўлаётган спорт воқеаларидан ватандошларимизни хабардор қилиш ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Футбол ҳақида сўз юритганда, миллий сайтларимизда барча Европа мамлакатларининг чемпионатлари изчил равишда ёритилмоқда. Ушбу биринчиликларнинг ҳар бир туридан кейин Ўзбекистон спорт нашрлари бўлиб ўтган учрашувлар ҳақида батафсил маълумотларни жойлаштирмоқда. Интернет бўлмаган даврларда бундай қулайликлар ҳақида ўйлаш мумкин эмас эди. Дунё бўйича футбол воқеаларига боғлиқ бўлган жамоалар жадваллари, энг яхши ўйинчилар, энг чиройли голларнинг видеокетма-кетликлари ва бошқа маълумотлар футбол сайтларида доимий равишда учраб туради.

Жанрлар ҳақида гапирганда, афсус билан айтиш мумкинки, энг кенг тарқалган жанр сифатида, спорт журналистикасининг “қироли” ҳисобланмиш репортаж эмас, балки биринчи ўринни қисқа хабар ва ҳисоботларга беришга тўғри келади. Кейинги ўринлар интервьюга ёки фотоасарларга тегишли. Лекин, спорт журналистикаси учун энг керакли бўлган, спорт журналистикасининг характери белгиловчи репортаж деярли учрамайди. Очерк ва лавҳалар кўп бўлмаса-да, учраб туради.

Яна бир кутилмаган жиҳат — мураббийлар ҳақидаги турли характердаги материалларнинг кўплиги. Бунинг сабаби устида узоқ ўйлаб шундай хулосага келдик: стадион (корт, майдонча)га келган журналист учун воқеа бўлаётган вақтда мураббийнинг ёнида ўтириб, ундан маълумотлар олиш осон бўлгани учун уларга боғлиқ бўлган материаллар анча кўп.

Клублар тарихи кенг ёритиб келинмоқда: қайси спортчи, қачон, қайси жамоада ва қандай натижалар қайд этган, клубларни қайси даврда ва айнан қайси мураббийлар бошқарган ва ҳ.к. Яхши голлар ва илғор тўпурақлар – саҳифаларда, муштарий кўзининг олдида туради.

Яна бир анъанани ижобий деб баҳолашимиз қийин. Бу – футболчилар ва клублар бозори. Чунки, бугунги кунда босма ва электрон спорт нашрларида нархлар ҳақида маълумотлар энг кучли ҳужжатли репортаждан ҳам батафсилроқ ёритилмоқда. Қайси футболчига, қайси клуб, қанча тўлади, нима учун ва ҳ.к. – истаган мазмунда тижорат ҳақида материал топишингиз мумкин. Журналистлар мазкур жараёни эринмай кузатадилар. Ҳатто ҳар бир қимматбаҳо футболчи савдосининг тарихи келтирилган, бошида қанча турган, кейин ва бугунги кунда қанча. Фақат чап оёғи билан ўнг оёғи қанчадан туриши журналистлар томонидан айтилмаган, холос.

Тўғри, футболда маҳоратли ўйинчига эга бўлиш осон эмас. Томошабинлар эса стадионга ушбу ўйинчини кўриш учун келади. Лекин, футболдаги тижорат масаласи охирги йилларда анча авж олиб, бош мавзуга айланиб кетди. Спортнинг аҳолини соғломлаштиришга қўшаётган ҳиссаси, тарбиявий аҳамияти тушиб кетди. Биринчи ўринга савдо, манфаат ва пул масаласи қўйилмоқда. Бу ёшларда футболга, умуман спортга бошқача муносабатни шакллантиради. Балки, футболчиларни сотиб олиш ҳақида гапириш керакдир, лекин бу мавзунинг спортнинг босма ва электрон нашрларида етакчи қилиб қўйиш ярамайди ва буни оқлаш қийин.

### **III БОБ. ИСПАНИЯ СПОРТ НАШРЛАРИ САЙТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

#### **3.1. Испания электрон спорт нашрларининг тавсифи ва типологияси**

Испания ҳақида умумий маълумотлар. Испания – Европанинг жануби-ғарбий ҳудудида, Пиреней яриморотида жойлашган давлат. Европа Иттифоқи ва НАТО аъзоси. Ялпи ҳудуди 500.000 кв. кмдан ортиқ. Аҳолиси 46,4 млн. киши (2015), шаҳарларда яшайдиганлар миқдори 76 фоиз. Давлат тили — испан (кастилья) тили, шу билан бир қаторда мухтор вилоятларда каталон-валенсия-кастилья тили (Каталония, Валенсия ва Балеар оролларида), баск тили (Басклар мамлакати ва Наваррада), галисия тили (Галисияда) ва аран тили (Каталонияда) ишлатилади.

2017 йил январь ойи маълумотларига кўра, Испания оммавий ахборот воситалари ривожланган тизимга эга. Мамлакатда 140қа яқин газета ва мингга яқин журнал чоп этилади. Энг кенг тарқалган ва ўқиладиган нашрлар сифатида “Паис”, “Мундо”, “Вангуария”, “АБЦ”, “Периодико” ва “Марка”ни айтиш мумкин.

Телевидение ва радио Испанияда типологик нуқтаи назардан, жамоавий ва тижорий каналларга бўлинади. RTVE (Испания радио ва телевидениеси) деб номланган умуммиллий компания La-1 ва La-2 каналларидан иборат, улар қисқартирилиб 1- ва 2-каналлар деб юритилади. Тўрт энг машхур радиостанциялар – Radio Nacional, Radio Clasica, Radio 3 ва Radio 4 деб номланади. Бундан ташқари, Antena 3, Cuatro, Telecinco ва LaSexta тижорий радиоканаллари ҳам бор. Испанияда телевидение эфирли, кабелли, йўлдошли ва онлайн турларга бўлинади. Радионинг фақат эфирли ва интернетдаги турлари бор. Испаниянинг эфирли радиоси ҳозирча рақамли технологияларга ўтмаган.

XXасрнинг бошидан футбол Испанияда спортнинг асосий тури сифатида кенг оммалашган. Шу билан бирга, баскетбол, теннис, велосипед спорти, гандбол, мотоспорт ҳам катта обрўга эга. Ушбу спорт турлари

бўйича испан спортчилари жаҳон миқёсида юксак натижалар қайд этган. Шунинг учун бугун Испания спорт соҳасида дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири ҳисобланади. 1992 йилда Барселонада бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинлари мамлакатда спортнинг янада ривожланишига сабаб бўлди.

2008 йилда Испания футбол бўйича Европа чемпионатида ғалаба қозонди. Финал ўйинида Испания терма жамоаси Германиядек кучли жамоани 1:0 ҳисобида мағлуб этди. 2010 йилда ўтказилган жаҳон чемпионати финалида Нидерландия терма жамоасини мағлубиятга учратиб, жаҳон кубогини қўлга киритди. 2012 йилда Испания терма жамоаси яна бир бор Европа чемпионлигини қўлга киритди. Бу сафар финалда Италия терма жамоаси 4:0 ҳисобида мағлуб этилди.

Теннисда Катта Дубурға турнирларида 14 марта ғолибликка эришган Рафаэл Надал 2008 йилда Пекинда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ҳам муваффақият қозонди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, 2000-йилларда Испания спортчилари футбол, баскетбол, сув полоси, чим устида хоккей, роликдаги хоккей, гандбол, волейбол, теннис бўйича Дэвис кубогидек машҳур спорт мусобақаларида жаҳон ёки Европа биринчилигини қўлга киритдилар.

Испаниянинг табиий иқлими қишки спорт ўйинларига мос келмайди. Шунга қарамай, музда ўтказиладиган мусобақалар натижасида спортчи Хавьер Фернандес жаҳон чемпиони бўлди. Лукас Эгибар 2017 йил март ойида Сьерра-Невадада бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида сноуборд-кросс бўйича 2-ўринни эгаллади. Бундан олдин ушбу спортчи Жаҳон кубогида бир неча марта ғолиб ва совриндор бўлган.

Испания ахборот асрига Европа Иттифоқи таркибида кириб борди. Бу жараён ўтган асрнинг 90-йиллари бошида амалга оширилди. Интернет ва шу каби электрон тизимлардан биринчи бўлиб ҳарбийлар фойдалана бошлади, ундан кейин “жаҳон ўргимчак тўри”га давлат идоралари ва кўпдан-кўп бизнес ташкилотлари қўшилди.

Испания виртуал журналистикаси ҳақида гапирганда, замонавий электрон тизимларга биринчи бўлиб миллий телевидение, радио ва етакчи газеталар уланди. Испания спорт нашрлари ҳам бу борада жонбозлик кўрсатиб, босма нашрлар ичида биринчилар қаторида интернетга кириб борди ва ўз электрон версияларини очди.

2010-йилларда босма ва электрон нашрлар ўртасидаги нисбат тенглашди. 2011 йилда электрон нашрлар босма нашрлардан ўзиб кетди. Шу йили ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, электрон нашрлар аудиторияси аҳолининг 42,5 фоизини ташкил этган бўлса, босма нашрларга 37,4 фоиз одам мурожаат қилган экан.

Электрон тармоқлар имкониятлари ва истиқболларини биринчи бўлиб миллий спорт нашрларига эга бўлган медиахолдинглар англади. Натижада 2005 йилда Испаниянинг етакчи спорт газеталари, мамлакатнинг энг машҳур “Эль Паис” газетаси билан бир қаторда (газетанинг номи икки вариантда юритилади: “Паис” ва Эл-Паис”) энг кучли беш нашрлари таркибидан ўрин олди.

Агар босма ва электрон нашрларни қиёсий таҳлил қилсак, анъанавий газеталарнинг электрон версиялари энг кенг аудиторияга эга эканлиги маълум бўлади. Гап шундаки, мутлақо янги электрон нашрлар кенг аудиторияга танилиши учун анча вақт керак. Шу билан бирга, анъанавий, босма газета нашрлари Испания ва бошқа ривожланган мамлакатларда аста-секин “урф”дан чиқиб кетмоқда. Натижада, анъанавий босма нашрларнинг электрон версиялари табиий равишда юқори ўринга даъво қилмоқда. Бу нафақат Испания, балки бошқа мамлакатларда ҳам содир бўлаётган жараёндир.

2012 йилдаги рақамларга мурожаат этсак, шу нарса маълум бўладики, электрон версиялар ичида “Ас” газетаси — 2.155 минг, “Спорт” — 1.234 минг, “Мундо Депортиво” — 981 минг ўқувчига эга бўлган экан. Қизиғи шундаки, “Марса”нинг электрон варианты (бир кундаги ўқувчиларнинг сони 3.313 минг киши), нафақат Испанияда, шу билан бирга испан тилида

чиқаётган нашрлар ичида дунёда энг кўп “тиражли” электрон спорт нашри деб ҳисобланмоқда.

Испаниядаги спорт нашрларининг электрон ва босма версиялари қиёсланганда: 1) минтақавий муаммоларга унча ҳам ботиб кетмагани; 2) бутун Испанияда ўз мухлисларига эга эканлиги; 3) спорт клубларига камроқ боғлиқлиги кўзга ташланади.

Спорт газеталарининг электрон версиялари ва сайтлари бир қатор техникавий янгиликларга сабабчи бўлган. Масалан, мултимедиалаштириш жараёнида таҳририятларга тегишли бўлган радиостанцияларни ишга туширишда газета сайтларининг хизматлари жуда катта. Чунки радио ва телестанциялар газеталарга тегишли бўлган электрон платформалар асосида ишни бошлаганлар.

Испания спорт газеталарининг интернет-версиялари мултимедиавийлик ва мультисервис хусусиятларига эга. Бундай лойиҳалар катта миқдорда видео, фотоматериалар, аудиоподкастлар, ўйинлар ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш имкониятларига эга.

Электрон “Marca” 2011 йилнинг ўзида моддий жиҳатдан ўз-ўзини эплаб кетди. 2011 йилнинг июль ойида “Ас” газетаси электрон версиясининг рекламадан олган даромади босма версиясининг даромадидан ошиб кетди. “Спорт” ва “Мундо Депортиво”ларнинг электрон версиялари ҳам молиявий жиҳатлардан ижобий ўзгаришларни намоён этмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Испания спорт газеталарининг электрон версиялари, конвергентлик ва мултимедиавийлик хусусиятларига эгаллиги билан бир қаторда, 2017 йилнинг ўзида миллий электрон матбуот таркибида етакчи ўринларга эга бўлиб олди.

Испания спорт нашрлари. Мамлакатнинг спорт газеталари А3 форматида, 40 бетдан 62 бетгача ҳажмда чиқади. Газеталарда батафсил таҳлиллар, шарҳлар, рақамлар, кўрсаткичлар, интервьюлар, фото ва бошқа ўқувчига қулай бўлган маълумотлар чоп этилади.

Спорт нашрларимуштарийлар учун энг машхур спорт мусобакалари хақида бир марталимахсус журналларниизчил равишда нашр этиб турадилар. Электрон нашрлар уларни планшетларда, кўл телефонлари ва бошқа мосламаларда ўқиш мумкин бўлган техник иловалар ишлаб чиқарадилар. Бунда босма матнга расмлар ёки видеороликлар уланади. Шу билан бирга, спорт нашрларининг электрон захираси кўп тармоқлидир.

“Радио “Marca” ва “Marca”ТВ” бугун нафақат электрон тармоқда, шу билан бирга анъанавий шаклда ҳам мавжуд ва катта обрўга эга. Улар аллақачон мамлакатнинг етакчи спорт медиаларига айланиб улгурган. Натижада бугун “Marca” Испания ОАВ ичида интернетдаги кўринишидан ташқари, анъанавий матбуот, радио ва телевидениеда фаолият юритиб, биринчи рақамли мультибрендга эга бўлди.

Испания спорт нашрларининг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, улар бугунги кунда асосий эътиборини нашриёт тижорати ва уни мултимедиялаштиришга қаратмоқда. Маълумки, дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз Испанияни ҳам четлаб ўтмади. 2008 йилдан 2011 йилгача кундалик спорт газеталарига талаб тушиб кетди ва улар жами 265 минг нусхагача ўз ададларини йўқотиб қўйдилар.

Лекин, Испания спорт газеталарининг тўртта етакчи нашри ўз позицияларин сақлаб қолди ва бугунги кунда янада ривожланишга интилмоқда. Масалан, “Мундо Депортиво” ўз сайтида МБ ВТТ видеодастурини жорий этди ва ўз интернет версиясининг видеоқисмини кучайтирди. “Спорт” унга тегишли бўлган минтақавий нашрлар тизимини ривожлантирди, Арагоннинг “Экипо” нашрини сотиб олди ва уни “Эль периодико де Арагон” деб номланган спорт иловасига айлантирди. “Ас” янги иловаси – “Ас ТВ”га ўз келажаги ва умидларини боғламоқда. “Marca” ўз ходимларининг сонини кескин камайтирди, қолганлари эса барча йўналиш (анъанавий матбуот, радио, телевидение, интернет)ларда фаол қатнашмоқда.

Шундай қилиб, Испанияда мультимедиалаштириш газеталарнинг ўз жонини сақлашнинг энг ишонарли йўли деб қаралмоқда. Мультимедиалаштириш йўлида ҳар бир янги ишни бошлаганда, таҳририятлардан кўп ҳаракатлар ва харажатлар талаб қилинади. Аммо ривожланишнинг бошқа йўли ҳам йўқ. Қачонки янги лойиҳалар яхши ўйлаб кўрилса, техникадан унумли фойдаланилса, электрон журналистик материаллар учун янги мазмун ва шакл топилса, ўшанда керакли натижаларга эришиш мумкин. Амалий тажриба кўрсатганидек, спорт газеталарининг радио ва телевидение билан боғлиқ бўлган иловалари дастлабки пайтларда ўзини унча оқламади, лекин кейинчалик ривожланиб кетди.

Ўзбекистондаги аҳвол бироз бошқача. Спорт нашрлари яхши фаолият юритиши учун уларга энг аввало, ҳар хил спорт турларига қизиқадиган катта аудитория керак. Мамлакатимизда спортнинг нуфузи Испаниядагидек эмас, албатта. Спорт масаласига Ўзбекистонда охириги ўн йилликда жиддий эътибор берилди. Бугунги кунда спортга қизиқиш шиддат билан, тез суръатлардаошиб бормоқда.

Спортга эътибор кўплаб муаммоларнинг ечимига ёрдам беради. Масалан, спорт нашрлари доимий аудиторияга, яхшигина ададга эга бўлади. Ўқувчи қанча кўп бўлса, ўшанда газеталар сотиб олинади. Моддий таъминот журналистиканинг бош масаласи, чунки яхши адад нашрларнинг моддий фаровонлигини таъминлайди.

Ўзбекистонда спортга оид воқеалар, спортчиларимизнинг катта мусобақаларда юқори ўринларга эришгани тўғрисидаги хабарлар газеталарнинг биринчи саҳифасидан ўрин эгаллашига сабаб бўлолмайди. Чунки бу “буржуа матбуотининг усули”, “сенсациялар сиёсати”дир. Ўзбекистон миллий матбуотида шундай анъана борки, газеталар вазмин материалларга кенг эътибор қаратиб, мажлис ҳисоботларини бош саҳифага олиб чиқади. Ўқувчи эса ўз анъанасига содиқ қолиб, тўртинчи – спорт материаллари жойлашадиган саҳифага кўз ташлайди.

Ўзбекистонда спорт газеталари адади Испания нашрларига нисбатан анча оз. Шов-шувга асосланган кўнгилочар нашрлар (“Даракчи” ва бошқ.) мамлакатимизда энг кўп ададда чоп қилинади. Уларнинг ададларини тенглаштириш учун шов-шув ва спорт обрўйини ҳеч бўлмаганда, бир даражада бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг ягона ечими – спорт нашрларини рекреатив журналистика даражасига кўтаришдир.

Испанияда спорт мавзуси аудитория ўртасида катта эътиборга эга. Шунинг учун айнан спортга оид босма ОАВ, радио ва телевидение дастурлари кенг тарқалган бўлиб, энг йирик аудиторияларни йиға олади. Спорт мусобақалари телеканаллар ва радиодастурларда энг баланд рейтингларга эга. Спорт кўрсатувлари ва эшиттиришлари доимий юқори талабга эга бўлиб туради. Машҳур спорт мусобақалари ҳатто кечалари бўлса ҳам миллионлаб испанларни йиғишга қодир.

Биринчи ўринни бу ерда, сўзсиз, футбол эгаллайди. Севилья университетининг профессори Аврора Бернал ўзининг “Спорт журналистикаси ва шов-шувлар ҳақидаги фикрлар” номли мақоласида футболни мамлакатда катта обрўга эга эканлигини аниқ рақам билан тасдиқлайди: спорт газеталарининг ҳажмининг 80 фоизини футбол мавзуи эгаллайди. Олима ушбу фактни шундай деб изоҳлайди: “Бу – мамлакатда футбол оммавий спорт тури эканлигининг натижасидир. Бу жараёнда нафақат таҳририятлар ва аудитория қатнашмоқда, балки реклама берувчиларнинг ҳам диққат-эътибори марказида турибди. Футболга қизиқиш кўп жиҳатдан молиявий манфаатдорликка асосланади”<sup>21</sup>. Қўшимча қилиб, айтиш зарурки, айриммутахассислар футболга кўрсатадиган катта эътиборни ортиқча деб ҳисоблайди.

Ихтисослашган ОАВ ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш жоиз, Испанияда энг катта обрўга эришган нашрлар кундалик босма газеталар ва уларнинг электрон вариантлари ҳисобланади. “Marca” газетаси мамлакатда

---

<sup>21</sup>Bernal A. Periodismodeportivo y sensacionalismo.Motivos para la reflexi?n / / Imagen, comunicaci?n y deporte. Madrid, 2009.-P.164.

энг ўқишли нашрдир, унинг сайти эса бошқа электрон саҳифаларга караганда сўзсиз энг кўп кўриб чиқиладиган сайтдир. “Ас”, “Мундо Депортиво”, “Спорт” нашрлари Испаниянинг энг ўқишли саккиз нашрлари саҳифа киради. Агар биз ҳар бир давлатнинг аҳолиси миқдори ва спорт газеталарини ўқийдиганлар сони нуқтаи назаридан ўртадаги пропорцияларни чиқармоқчи бўлсак, айтиш мумкинки Испания бу борада дунёда биринчи ўринни эгаллаши аниқ.

Умуммиллий ва минтақавий спорт нашрлари кўп бўлишига карамасдан, умумсиёсий газеталар ҳам спорт мавзусига доимий равишда катта эътибор қаратиб келмоқда. Спорт соҳасидаги муҳим янгиликларни биринчи саҳифага олиб чиқиш улар учун одатий ҳол ҳисобланади.

Шу ўринда дизайн ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Маълумки, бугунги кунда босма ва электрон нашрларнинг дизайни аудитория диққатини ўзига тортиш жиҳатидан юқори поғоналарда турибди. Замонавий ўқувчи биринчи ўринда дизайнга қарайди, сўнг материалнинг мазмунига эътибор беради. Шу боис газеталарни саҳифалаш дизайни муҳим аҳамиятга эга.

Испаниянинг босма ва электрон нашрлари ушбу масалада ҳам бошқа мамлакатларга, жумладан Ўзбекистонга, ўрнатқ бўла олади. Шу ўринда сарлавҳаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Уларнинг кенгайтириб берилиши, сарлавҳалар тагида тагсарлавҳаларнинг жойлаштирилиши, матнларни безатишда йирик, ўрта ва кичик ҳарфлардан фойдаланиш, сарлавҳаларни турли шаклларда жойлаштириш — буларнинг барчаси газета дизайнининг муҳим қоидаларига айланиб бўлган.

Худди шу гапларни фотосуратлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Йирик ва кичик расмлар ҳам газета ва сайтлар дизайнинг доимий таркибий қисмидир. Нафақат ихтисослашган нашр ва сайтлар, шу билан бирга умумсиёсий ва тармоқли ОАВ учун биринчи саҳифада йирик расмларни жойлаштириш одатий ҳолга айланган. Бундай усул таҳририят ишончини тўлиқ оқлайди, чунки аудитория диққатини ўзига тортади. Шу билан бирга айтиш мумкинки, ўзбекистонликлар нуқтаи назаридан, Испания спорт

нашрлари дизайнга бироз ортиқча эътибор беради, натижада бу нашрлар безатилиши масаласида “таблоид” (“оммавий матбуот”нинг бир кўриниши)га яқинлашиб бормокда.

Замонавий босқичда Ўзбекистон спорт нашрларида бу масалада аввалги даврларга нисбатан бироз ўзгариш кузатилса-да, барибир, нашрлар дизайнининг имкониятларидан, яхши маънода, “оммавий матбуот”га ўхшамасдан, фойдаланилиши ҳали паст даражада.

Испания спорт матбуоти учун хос бўлган “таблоидлик” белгилари ва хусусиятлари ҳақида бир оғиз фикр юритишни лозим топдик. Таниқли америкалик тадқиқотчи Элизабет Бёрднинг таъкидлашича, “оммавий матбуотни қоралаш журналистика учун зарар келтиради, чунки бундай ҳаракатлар матбуотни кенг аудиторияга яқинлаштиришга ҳалакит беради. Босма нашр ва унинг электрон версияларида визуалликка урғу бериш матбуотдаги ахборотни ўқувчилар томонидан тезроқ ва осонроқ қабул қилишга ёрдам беради. Таблоидликдан маълум бир контекстда фойдаланиш зарур ва уни айнан шу контекстда қабул қилиш керак”<sup>22</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, фикримизча, сурат ва сарлавҳаларнинг кўплиги ёки Испания матбуотида хос бўлган матннинг эмоционаллиги спорт нашрларида ўринли деб топилиши табиий. Сабаби шундаки, спорт нашрлари азалдан кўп жиҳатдан рекреатив журналистика таркибида яшайди.

Таблоидларни ва уларга ўхшаган оммавий матбуот вакилларига тегишли бўлган хусусиятларни қуйидаги белгилар билан характерлаш мумкин:

- 1) Таҳлилий услубдан имкон даражасида узоқлашиш;
- 2) Асосий урғуни ахборотга бериш;
- 3) Жумлаларни иложи борида аниқ тузиш;

---

<sup>22</sup>Bird E. Tabloidization: What is it and does it really matter? / The Changing Faces of Journalism: Tabloidization, Technology and Truthiness. New York. 2009. P. 41.

- 4) Қисқа жумлаларда бир амаллаб турли шакллардаги интригани (фитнани) акс эттириш (ўқувчининг диққатини материалга тортиш учун);
- 5) Материалда асосий эътиборни воқеага эмас, инсонга қаратиш;
- 6) Визуал материаллардан кенг (шу билан бирга меъёрида) фойдаланиш.

Аслида спорт тематикасидан рекреатив мақсадда фойдаланиш XIX-асрнинг охирида америкалик медиамагнат Рэндолф Хёрстдан бошланди. Хёрст ўшанда “Нью-Йорк Джорнел” кечки газетанинг бош муҳаррири бўлган. Джозеф Пулитцерга тегишли обрўли “Нью-Йорк Уорлд” газетасидан ўзиб кетиш мақсадида, Хёрст ўз газетасида кўп миқдорда спорт маълумотларини жойлаштира бошлайди. Жумладан, 1895 йилда от чоптириш мавзусида кўп материаллар чиққани кенг аудитория диққатини ўзига тартади. Натижада Хёрст ўз рақибини ортда қолдирди. Бу ғалаба барча нашрлар учун дастлабки қўнғироқ бўлди. Шундай кейин газеталар нафақат от чоптириш, балки бошқа спорт мавзуларига ҳам катта эътибор бера бошладилар. Натижада АҚШнинг барча газеталарида спорт рукнлари ва саҳифалари пайдо бўлди.

Бугунги Испанияда ана шу тарих такрорланмоқда. Испаниянинг кундалик газеталарининг босма ва электрон нашрларида спортга тегишли рукн ва саҳифалар жуда кўп. “Марса” спорт газетаси XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида энг ўқишли босма ва электрон нашрга айланди. Масалан, “Марса”нинг ўрта адади уч миллиондан кўп бўлса, мамлакатнинг энг обрўли умумсиёсийгазетаси бўлмиш “Эль Паис” ундан бир миллион камроқ ададда чоп этилади. Ихтисослашган спорт газеталари адад нуқтаи назаридан, кўпгина миллий умумсиёсий нашрлардан ўзиб кетган.

Рекреативлик мавзусида сўз юритишни давом эттириб айтиш мумкинки, Испанияда махсус, айнан шу ном билан аталадиган ва шунга ихтисослашган “сарик матбуот” бўлмаса-да, кўп газеталар “сарик матбуот”нинг у ёки бу унсурларидан фойдаланади. Масалан, 2004 йилда

“Эль Мундо” газетаси футболчи Дэвид Бекхэмнинг шахсий ҳаётига тегишли материални эълон қилиши бунгаяққол мисол бўла олади. Ўшанда газета Бекхэм ўз хотинига вафодор эмаслигига ишора қилган эди.

Охирги йилларда ўз аудиториясини кенгайтириш мақсадида оммавий матбуот усулларига эътиборқаратиш кўп газеталарга хос бўлиб қолди. Бепул тарқатиладиган “ADN” (АДН) ва “Que” (Ке) газеталари бу усулдан доимий равишда фойдаланиб келган бўлса, энди улар қаторига “Эль Мундо”га ўхшаган жиддий газеталар ҳам қўшилмоқда.

Бунда журналистик қонуният пайдо бўлмоқда. Спорт мавзусининг ўзи кўнгилочар хусусиятларга яқин. Агар унга “сарик матбуот” унсурлари қўшилса, нашрнинг рекреативлиги сезиларли даражада ошади. Лекин, бу газеталарни “сарик матбуот” қаторига қўшиш учун етарли асос бўла олмайди.

**Испания спорт нашрлари типологияси.** Испания спорт нашрлари типологиясини аниқ тасаввур қилиш жуда қийин. Бунга бир қатор сабаблар бор:

- 1) Нашрлар узоқ давом этадиган бир хил қиёфага эга эмас;
- 2) Айрим сонларда таҳририят ўз диққатини сарлавҳаларга қаратса, бошқаларида расмларга ёки интервьюларга кўпроқ эътибор беради;
- 3) Айрим сонлар таблоид шаклида чиқса, худди шу газетанинг бошқа сонлари аввалгиларига ўхшамаган, жиддийроқ тарзда чоп этилади.

Шунга қарамасдан, типологиянинг умумий қонуниятлари сифатида, куйидагиларни айтиш мумкин:

- 1) Спорт газеталари ўз эътиборини кенгайтирилган, кўп босқичли сарлавҳаларга қаратади;
- 2) Спорт нашрларида расмлар матндан кўра кўпроқ жойни эгаллайди. Бу тенденция айниқса 2017 йилда чоп этилган ва интернетда жойлаштирилган электрон сонларга хос;
- 3) Спорт воқеалари билан бир қаторда спортчиларнинг шахсий ҳаётини ёритишга интилишлар жуда кучли;

- 4) Спорт газеталарининг тили сўзлашув тилига яқин;
- 5) Услугда оддийлик, тез англаб олиш мумкин бўлган усуллар устуворлик қилмоқда.

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, Испанияда жиддий спорт газетасини учратиш жуда қийин. Бу испанияликларнинг миллий характериға тўғри келмайди. Улар спортни дам олиш деб билади ва спорт воқеаларини рекреатив услубда ёритишни маъқул кўради.

### **3.2. Материаллар мазмуни ва шаклининг таҳлили**

Газеталарда бевосита эълон қилинган материаллар ва уларнинг таҳлилиға эътибор қаратамиз. “Marca” биринчи саҳифасидаги материални Мадриднинг “Реал” жамоасининг футболчиси Нури Шахинга бағишлади<sup>23</sup>. Спортчи фотосурати билан бирга катта сарлавҳа берилди: “Мен ҳали керак бўламан”. Анонсда кўрсатилган бетга мурожаат этган газетхон бу таҳририят томонидан шунчаки бир диққатни тортиш учун қилинган усул эканигаамин бўлади. Футболчи шу газетанинг вакилиға эмас, балки “Скай Дойчланд” (Sky Deutschland) телеканалига интервью берган экан. Демак, мазкур биринчи саҳифадаги катта материалда ҳеч қандай янгилик йўқ, чунки бу материал олдин телевидениеда эълон қилинган. Бу ерда ҳамма гап – футболнинг обрўида. Агар газета футбол мавзусини биринчи саҳифаға чиқармаса, газетанинг ўша сони яхши харид қилинмайди. Чунки, футбол Испанияда маълум маънода поп-маданиятга айланган.

Юқорида тилға олинган Севилья университетининг профессори Аврора Бернал спорт нашрлари эротик мавзу ва расмларға урғу беришиға ҳам ўз эътиборини қаратади. Спорт нашрлари саҳифаларида ярим-яланғоч кийинган спортчи қизлар расмларига тўлиб кетган, дейди у. Биринчи ўринда бу теннисчи қизларға тегишли. Мухаррирлар эса имкон даражасида шу йўсиндаги фотосуратларни жойлаштиришға ҳаракат қиладилар.

---

<sup>23</sup>“Marca”, 2011 йил 29 сентябрь.

2011 йил сентябрь ойида “Адидас” фирмаси ўз рекламасини ҳар доимгидек “Marca” эмас, балки “As” газетасига берди. Таҳририят доимий равишда нашрнинг охириги бетида жойлаштириладиган қизнинг расмини охириги бетдан иккинчи бетда ўтказишга мажбур бўлди. Газетхонлар улар ўрганган одатий саҳифада қизни расмини тополмади. Натижада таҳририятга “қиз қани?” каби саволлар ҳар томондан ёпирилиб келди. Бош муҳаррирнинг фикрича, 47-бетда эркаклар расмини кўрадиган газетхон, 48-бетда қизнинг расмини кўришга ҳақли.

2011 йил июнь ойида Бразилия жамоаси Лотин Америкаси футбол биринчилигида ғалаба қозонди (“Либертародес Кубоги”). “Эл Паис”, “Марка”, “As” ва “Эль Мундо” газеталари Бразилиянинг энг яхши ўйинчиси Неймарга сиртдан “Қирол” унвонини берди.

2011 йил 26 сентябрь куни “Мундо Депортиво” биринчи бетда “Барселона”да ўйнайдиган машҳур аргентиналик футболчи Лионель Мессининг расми билан чиқди. Таҳририят Месси фамилиясини келтирганда DIOS сўзида (худо дегани) I ҳарфини 1 рақамга алмаштирди. Натижада (D 10 S) бўлиб чиқди, бу ерда футболчи худога тенглаштирилди.

2011 йил 26 сентябрь куни “Мундо Депортиво” газетасининг “Ўта махфий” номли рубрикасида “Шакира учун жой” мақоласи чиқди. Шакира – Лотин Америкасининг машҳур хонандаси. Расмда у “Барселона”нинг таниқли футболчиси Жерар Пике билан трибунада бир жойда ўтирган экан. Газетанинг хабар беришича, Пикенинг оиласи трибунадаги ушбу қулай жойларни сотиб олган экан ва энди Шакира доимий равишда ўз йигити Жерар билан шу ерда ўтириб, футбол ўйинларини томоша қилармиш.

Испания спорт матбуотида спортчиларни сотиб олиш ва сотиш – энг кенг тарқалган мавзуларидан бири. Айниқса футболчилар савдоси аудиториянинг катта қизиқишини уйғотади. 2011 йилда бу мавзу Россия интернет сайтларида атрофлича муҳокама қилинди. Ўшанда Қозон шаҳрининг “Рубин” жамоаси “Реал”нинг ярим ҳимоячиси ва Бразилия

терма жамоасининг аъзоси Кака учун 45 миллион евро тўлашга тайёрлиги ҳақидаги ахборот “Марка”нинг биринчи саҳифасида чоп этилди. Бу мавзуда фақат “Novoteka.ru” сайтининг ўзида 42 материал эълон қилинди. Масала муҳокамаси “Рубин” жамоасининг вакили “бу информация нотўғри” деб айтганидан кейин ҳам бирдан тўхтамади<sup>24</sup>.

Шундай қилиб, Испанияда спорт нашрларининг катта аудиторияга эга бўлиши бир қатор мезонлар билан изоҳланади. Буларнинг ичида испанияликларнинг миллий характери биринчи ўринда туради, чунки уларнинг спортга қизиқиши этник, психологик ва маданий илдизларга эга. Испанияликлар ҳиссиётга бой халқ ҳисобланади. Шон-шуҳрат ва қаҳрамонликка интилиш ушбу халққа азалдан хос. Спорт инсонда айнан шундай ҳиссиётларни ўйғотади.

Узоқ асрлар давомида Испанияда авлиёлар билан бир қаторда матадорлар ҳам улуғланиб келинган. Мазкур халқ спорт билан шуғулланишни энг керакли ишлардан бири деб ҳисоблайди. Спорт журналистикаси Испанияда миллий журналистиканинг энг муҳим қисмларидан бири деб ҳисобланади.

Юқорида айтганимиздек, Испанияда регионализм жуда кучли. Бундай шароитда ҳар бир вилоят ўз устуворлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, “Барселона” ютса – бутун Каталония ютган деб ҳисобланади. “Бетис” ютса – бутун Андалусия. “Атлетик” ғалаба қозонса Басклар мамлакати ғалаба қозонгандек бўлади.

Испанияда спортнинг юқори обрўга эга эканлиги тарихий фактлар билан ҳам тасдиқланади. Франко даврида (1939-1975) спорт жуда эъзозланган эди. Шунда спорт, бир томонидан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурурни кўтаришнинг бир тури бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, халқни мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий нотекисликлардан чалғитиш ролини бажарди. Миллатни обрўйини, ҳам ички, ҳам ташқи аренада кўтариш учун спорт энг қулай усуллардан бири.

---

<sup>24</sup>Қаралсин: <http://novoteka.ru/seventexp/4210786/8842321>

Франко даврида футбол ҳатто мафкуравий спорт тури деб ном олган эди. 1955-1960 йилларда Мадриднинг “Реал” жамоаси футбол бўйича беш марта Европа кубогини қўлга киритди. Ўша йилларда футбол Испаниянинг миллий анъанаси даражасига кўтарилди ва жуда кўп мухлисларга эга бўлди.

Испанияда спортнинг ривожланиши замонавий омилларга ҳам боғлиқ. Испания Европа Иттифоқининг ривожланган давлатларидан бирихисобланмайди. Жаҳон молиявий инқирози испанияликларнинг моддий аҳволини кескин оғирлаштирди. Мамлакатда норозиликлар кучайди, бир неча марта аҳоли кўчаларга чиқди, намоёишлар уюштирди. Бундай ҳолатда халқни чалғитиш учун унга ижобий информацияни узатиш керак эди. Испания спортчиларининг жаҳон ва Европа мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаши мамлакат ҳукуматига жуда қўл келди. Образли қилиб айтганда, ижобий маънодаги оммавий спорт информацияси салбий руҳдаги иқтисодий оммавий информацияни енгди.

Испания ва бошқа Европа мамлакатлари учун яна бир салбий жараён – глобаллашган, бирлашган Европа таркибида миллий ўзликни сақлаш муаммоси. Ҳеч бир Европа миллати ўзлигини йўқотишни истамаса-да, кўпчилик ўзларини, масалан, голландиялик ёки белгиялик демасдан, европалик дейди. Спорт эса миллий ўзликни сақлаш учун катта имконият. Жаҳон биринчилигида ёки бошқа мусобақада ғолибликни қўлга киритган одамни кенг аудитория европалик демасдан, балки германиялик, франциялик ёки испаниялик дейди. Бундай мусобақаларда ютиш миллий ғурур ва миллат шаънини кескин кўтаради.

Спорт нафақат Испанияда, шу билан бир қаторда айрим бошқа мамлакатларда ҳам, масалан, Бразилия ёки Аргентинада, катта обрўга эга. Аммо, бу мамлакатлар Испаниядек спорт матбуотига эга эмас. Бу давлатлар Испания сингари спортга истисослашган кучли босма ва электрон нашрларга эга эмас.

Испания спорт нашрлари таҳририятлари ва журналистларининг касбий маҳорати жуда баланд даражада десак, муболаға бўлмайди. Нашрларнинг мазмуни ва шакли, сарлавҳалари ва дизайни умумий медиастратегия доирасида бажарилган бўлиб, мухлислар диққатини ўзига тортади. Материалларнинг ранг-баранглиги ҳам уларнинг аудиториясини кенгайтириш имкониятига эга.

Испания спорт нашрларининг яна бир ютуғи шундан иборатки, таҳририятлар мафкуравий масалаларга кўп эътибор бермасдан, аудитория истакларини бажаришга ҳаракат қилади. Ҳар бир нашр ўз жамоатчилигининг фикрини ўрганиб боради, аудитория нашрдан нимани кутишини билади ва таҳририят сиёсатини шунга қараб мослаштириб боради. Натижада нашрнинг харидорбоплиги юқори даражада сақланиб қолади.

Испания кундалик спорт матбуотининг асосий хусусиятлари ҳақида гапирганда, энг аввало, уларнинг сиёсати футбол ёки бошқа спорт клубларига йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш керак. Барча воқеалар ва ахборот ушбу клублар атрофида айланади. Бирор-бир клуб қандайдир ютуқларга эришса, бошқалари ундан орқада қолиб кетишни истамасдан жиддий ҳаракатга тушади. Бундай рақобат нафақат спорт жамоаларини, балки спорт нашрларини, умуман журналистикани доимо керакли формада бўлиб туришини таъминлайди.

Спорт турлари ичида футбол сўзсиз биринчи ўринни эгаллайди. Мадридда чоп этиладиган нашрлар асосий эътиборини “Реал”га, Каталонияда чиқадиган газеталар “Барселона” жамоасига қаратадилар. Бу қонуният вилоятлардаги нашрларда ҳам кузатилмоқда. Қайси нашр қаерда чиқса, унинг асосий эътибори маҳаллий футбол клубига қаратилган бўлади.

Ўз клубига вафодорлик спорт журналистларига объективлик принципига риоя қилишга деярли имконият қолдирмайди. Масалан, “Реал” ва “Барселона”нинг бир-бирига қарши туриши бутун Испания бўйича

мамлакат икки қисмга бўлиниб кетишига сабаб бўлмоқда. Ҳар бир ўйин катта пафос ва эмоциялар билан ёритилади, кўп ҳолларда объективлик журналистларнинг ёдидан кўтарилади. Футбол ўйини ва ўйинчиларнинг ҳаракатларини шарҳлашда журналистлар энг аввало, ушбу ўйинчиларга маҳаллий аҳолининг муносабати қандай эканлигидан келиб чиқади ва воқеаларни айнан ушбу нуқтаи назардан ёритади. Бундай аҳвол Испаниянинг барча шаҳар ва қишлоқларига тааллуқлидир.

Масалан, “Marca” нима учун бутун мамлакат бўйича биринчи нашр ҳисобланади? Чунки, газета ададининг бир қисми, марказий шаҳарлардан ташқари, вилоятларда ҳам босилади ва бунда маҳаллий сонларни ушбу жойларда яшайдиган аҳолининг талаблари ва дидига мослаштириб чиқаради.

Каталония (Испаниянинг минтақаси сифатида) бутун тарих давомида марказий ҳокимиятга қарши чиқиб келган. Бугунги кунда бу характер “Барселона” жамоасига хосдир. Шунинг учун “Барселона” каталонияликлар учун фақат футбол клуби эмас, шу билан бирга бу жамоа улар учун миллий озодликнинг намоёндасидир. “Барселона” билан “Реал”нинг ҳар бир учрашуви бутун мамлакат учун тарихий воқеа бўлиб халқ хотирасида муҳрланади.

Шундай қилиб, Каталония вилоятида чоп этиладиган “Мундо Депортиво” ва “Спорт” газеталари спорт воқеаларини ёритишда агрессия ва субъективликка йўл қўядилар. Булар учун объектив бўлиш гуёки рақибларга ён босишдек туюлади. “Реал” ўйинларини ёритиш кўпроқ салбий маънода амалга оширилади. Ҳатто Испания терма жамоасини ҳам бу газеталар аямайдилар. Лекин, “Барселона”ни гуёки дунёдаги ягона мақтовга лойиқ жамоадек ҳар қандай вазиятларда ҳам кўкка кўтаришади. Каталония нашрларида камдан-кам ҳолатларда биринчи саҳифа бошқа спорт турларига ажратилади. Мадридда чоп этиладиган “Ас” ва “Марка” нисбатан объектив муносабат билдиради.

Испания спорт нашрларининг нообъективлиги мутахассислар томонидан кўп марта ва асосли тарзда қаттиқ танқид қилинган. Лекин, таҳририятлар бунга деярли эътибор беришмайди. Чунки, ўз клубини ҳимоя қилмаслик ва мақтамаслик аудитория томонидан хоинликка тенглаштирилади.

Футбол мавзусининг монополияси бошқа спорт турларини ёритишга жиддий халакит беради. Гап шундаки, улар воқеаларнинг муҳимлигидан эмас, балки аудиториянинг қизиқишидан келиб чиқиб хабарларни бериб боради. Бу эса бир қатор экспертларнинг танқидига сабаб бўлмоқда. Дейлик, спорт мухлислари учун сузиш бўйича мусобақанинг финал баҳси, ҳатто, мамлакат чемпионатидаги оддий футбол ўйинидан қизиқ эмас. Шу боис спорт газетали хабарларни уларнинг аҳамиятидан эмас, балки аудиториянинг қизиқишидан келиб чиқиб танлайди. Борди-ю, мусобақаларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб хабарлар бериб борилса, бу нашрларга қизиқиш пасайиши, табиийки, газеталар сотилмай қолиб кетишига олиб келиши мумкин. Бу борада “Марка” нашрнинг бош муҳаррири Оскар Кампильонинг қуйидаги фикри эътиборга молик: “Мен ҳамма вақт ҳам муштарийларнинг қизиқишини ҳисобга олиш керак, деб ҳисобламайман. Аммо уларни ҳам инкор этмаслигимиз керак, акс ҳолда улар бизни инкор эта бошлайди”.

### **III боб бўйича хулоса**

1. Испания спорт нашрларининг клубларга қаратилган сиёсати яққол кўзга ташланади.
2. Каталония вилоятида чиқадиган нашрлар, Мадрид таҳририятларига нисбатан, миллий ўзлигини кўпроқ кўрсатишга ҳаракат қилади.
3. Испаниянинг энг машҳур газетаси “Marca” ҳисобланади. Бунга долзарблик ва тезкорликдан ташқари, кўп миқдорда минтақавий иловалар чиқиб туриши ҳам сабаб бўлмоқда.

4. Газета тилининг хусусиятларига келганда, айтиш зарурки, Испания журналистлари имкон даражасида хорижий тиллар лексикасидан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунини Ўзбекистон спорт нашрлари ва журналистлари учун ўрганиш зарур бўлган намунавий позиция деб баҳоласак арзийди.
5. Газета услуби кундалик сўзлашув услубига яқин туради.
6. Испания ва Ўзбекистон спорт нашрларининг яна бир фарқи шундан иборатки, агар Ўзбекистон журналистлари ўз мақолаларида спортчиларга, уларнинг мураббийларига, миллий спорт ташкилотларига нисбатан кескин баҳо ва сўзларни кам ишлатсалар, Испанияда аксинча, эмоциялар ҳаддан ташқари кўп бўлиб, журналистлар ҳеч кимни аяшмайди.
7. Ўзбекистон ва Испания спорт газеталари таҳририятлари ўз фаолиятларини амалга оширганда янги технологияларга кенг эътибор қаратмоқдалар. Бу биринчи ўринда конвергентлик ва мультимедиавийликда кўринмоқда.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда ахборотга махсулот сифатида қараш тобора кучайиб бормоқда. Шундай экан, аввало ҳар бир соҳада ихтисослашувни амалга оширишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Ихтисослашиш орқали ахборот маълумотларининг сифати ва савияси ошади. Бундан аудиториянинг талаблари ҳам тўлиқ қондирилиши мумкин.

Интернетда ҳам спорт йўналишларига ихтисослашув алоҳида талаб этиладиган масала ҳисобланади. Боиси, бугунги кунда интернет бошқа ОАВ турлари орасида кўпроқ аудиторияни ўзига жалб қилмоқда. Шундай экан, интернетда ҳам ҳар бир спорт турига ва қолаверса ҳар бир спорт жамоасига оид сайтлар ташкил қилиниши соҳа ривожидан дарак беради.

Интернет ва босма нашрлардаги спорт мавзусининг ёритилишини бевосита қиёсий таҳлилини қиладиган бўлсак, биз юқорида кўрдикки, мамлакатимизнинг энг оммабоп газеталари асосан интернет манбаларига таянишмоқда. Балки шу боисданми ушбу энг оммабоп газеталарнинг тиражи 14-16 мингдан ошмаётгандир. Чунки кўпчилик спорт ихлосмандлари газетадаги маълумотлардан бир неча кун олдин айнан Интернет орқали хабардор бўлишга улгуришади.

Мамлакатимизда спортга ихтисослашган Интернет сайтлари қисқа фурсатда сезиларли натижаларга эришганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу оммавий ахборот воситалари фото, видео, матн, умуман олганда аудиовизуал эффектлар имкониятларидан тўла даражада фойдаланмоқда. Диссертацияда бу борада аниқ мисоллар келтирилган. Ўзбек ва испан спорт сайтлари қиёсий таққосланган. Испан спорт сайтларининг устун жиҳатлари намуна сифатида келтирилган.

Спорт сайтлари ахборот беришда фақат расмларнинг ўзини эмас, балки уларнинг комбинацияларини ҳам кенг равишда саҳифаларга жойлаштирмоқда. Мисол учун, расм билан бошқа расм ёки расмлар (коллаж), расм билан ҳарф, расм билан схема, диаграмма ёки ҳарфлар билан чизмалар ва бошқалар. Бу борада танлов кўп, уларнинг турли

комбинацияларини ишлатиш котибият ёки дастурчиларнинг ижодий салоҳиятига боғлиқ.

Спортга ихтисослашган сайтлар таҳлил қилинганда маълум бўлдики, катта аудиторияни эгаллаган сайтлар билан биргаликда кам фойдаланувчиларга эга электрон нашрлар ҳам учрамоқда. Бугунги кунда фақат футболга ихтисослашган спорт нашрларигина энг кўп фойдаланувчиларга эга.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган спортга ихтисослашган электрон сайтларнинг аксарияти ишқибозлар таклифлари, уларнинг хоҳиш-истакларига мос тарзда иш олиб бораётир. Айниқса, футбол ва бокс, теннис, гимнастика федерацияларига тегишли сайтларда бу яққол намоён бўлмоқда. Бироқ аксарият спорт федерациялари ўз сайтларини фақат рус тилида юритмоқда. Маълумотлар сифатли расмлар, қисқа интервьюлар билан бирга берилмоқда. Бу эса электрон саҳифаларни анча жонлантирмоқда. Энг қизиқарли спорт мусобақалари натижалари ва улар билан боғлиқ фактлар саҳифалардан ўрин олмоқда. Шунингдек, мазкур сайтларда бошқа статистик маълумотлар, спортчилар таржимаи ҳоли, мусобақалар тарихи ҳам жойлаштирилаётгани кўпроқ фойдаланувчиларга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда спортга ихтисослашган нашрлар спорт соҳасида олиб борилаётган ислохотларни, соҳага оид муаммо-камчиликларни ҳам ёритмоқда. Бу, ўз навбатида, соҳада учраётган муаммоларни бартараф этишда, миллий спортимизнинг равнақ топишида муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунга қарамай, айрим газеталар ўз йўналишини топа олмай, фақат Интернет сайтларида берилаётган материаллар билан чекланмоқда. Уларда таҳлилий-танқидий мақолалар умуман йўқ, спортчиларимиз ва спорт мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари берилмайди.

Тадқиқот натижасида биз бир қатор хулосаларга ҳам келдик. Бу биринчи ўринда босма спорт нашрлари билан боғлиқ. Уларга эътибор қаратадиган бўлсак, спорт газеталарининг мазмуни яхши бўлса-да,

уларнинг дизайни ва шакли халқаро талабларга ва ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Бу жуда жиддий эътироз эканлигини ҳисобга олиб, бу борада ўз таклиф ва хулосаларимизни беришга ҳаракат қиламиз.

Мазмун деганда спорт газеталарида ёритиладиган спорт тури, журналистик қараш, журналистик таҳлил, воқеага журналистнинг муносабати, муаллифнинг эмоциялари, фактларнинг кўплиги ёки озлиги ҳамда бошқа жиҳатлари назарда тутилади. Буларнинг ҳаммаси газетанинг умумий мазмунини ифодалайди. Бу жиҳатдан миллий нашрларимизнинг савияси ёмон эмас.

Материалларнинг тили, жанрлари, расмлар, шрифтлар, саҳифага хусн берувчи деталлар, логотиплар ва рукнлар бевосита нашрларнинг шаклини ташкил этади. Лекин айнан шакл масаласида Ўзбекистоннинг босма спорт нашрлари, жумладан, футбол газеталарига ижобий баҳо бериб бўлмайди. Оддийгина мисол – сиз қачон охириги марта “Эрудит Спорт”, “Интер футбол” ёки “Футбол экспресс” газеталарини кўлингизда олган эдингиз? Олган бўлсангиз, ўқидингизми? Ўқиган бўлсангиз, неча бетини, қанча қисмини ўқидингиз? Ишонч билан айтиш мумкинки, ўзини ёки матбуотни ҳурмат қилган одам бундай газеталарни ўқиши қийин, фақат расмларин кўриб чиқиши мумкин. Бунинг сабабларини келтирайлик.

**Биринчидан,** барча саҳифалардаги мантлар жуда кичкина шрифтда терилганини кўриш мумкин. Бу ўқувчида муаммо туғдиради, чунки мантни тузукроқ ўқишнинг иложи йўқ. Шунингдек, матн жуда зич терилади, ўртада очиқ жойлар деярли қолдирилмайди, турли матнлар одамнинг кўзлари олдида аралашиб кетади. Яъни газеталарда фойдаланилаётган шрифтлар ноширлик талабларига умуман тўғри келмайди. Натижада инсонда кўз саломатлиги билан боғлиқ муаммо юзага келади.

**Иккинчидан,** бутун дунёда спорт нашрлари катта, динамик расмлар билан машҳур. Лекин Ўзбекистон газеталаридаги расмлар жуда кичкина,

миниатюрага ўхшаб кетади. Испан нашрларида бериладиган суратлар, айниқса, бош саҳифадаги расмлар чиройли кўринишга эга. Бу нашрлар айнан биргина расм билан ҳам катта шов-шув кўтара олади. Расмлардан эса бир мавзунинг умумий мазмунини англаш мумкин. Бизда эса бу борада қилиниши ва ўрганилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Фикримизча, газеталаримизга катта, рангли, спорт хусусиятларини акс эттирадиган расмлар зарур.

**Учинчидан,** сарлавҳа танлашда ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биз таҳлил қилган испан нашрлари ва умуман хориждаги етакчи спорт газеталарида сарлавҳага катта эътибор қаратишади. Уларнинг таҳририясида айнан сарлавҳа танлаш билан шуғулланувчи бўлим мавжуд. Уларда ўндан ортиқ малакали мутахассислар мақолаларга сарлавҳа топиш билан шуғулланишади. Шу боис ҳам сарлавҳалар орқали сенсация қилишади, эътиборни тортишади. Биламизки, сарлавҳа материал мазмунини очиб берувчи ва ўқувчининг диққатини тортувчи воситадир. Шунинг учун сарлавҳа дизайни ва шаклига ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Испан газеталарида эса катта, ёрқин, бутун диққатни ўзига тортайдиган сарлавҳалар жуда кўп. Саҳифаларни очган сари роҳатланасан, мазза қилиб ўқийсан. Биз кўриб чиққан Ўзбекистон спорт ва футбол газеталарида сарлавҳалар ўз вазифаларини бажаролмаяпти. Спорт газеталарида сарлавҳалар йирик, чиройли, ўзларида спорт интригасини мужассамлаштирган бўлиши зарур. Афсуски, бизнинг нашрларимиз бу вазифани бажаролмаяпти. Бу фикрларимиз – биз ўртага ташлайдиган инжиқлик ёки пессимистик муносабат эмас, бу спортнинг талаби ва диссертациямиз хулосаси.

**Тўртинчидан,** босма нашрлар учун энг муҳим жиҳатлардан бири дизайн ҳисобланади. Ўзбекистонда аксарият спорт газеталарининг дизайни талаб даражасида эмас. Бугунги кунда ҳар бир маҳсулотнинг кенг оммалашиши учун унинг дизайни бирламчи аҳамиятга эга. Масалан,

кийим, машина ва шулар қаторида биз таҳлил қилаётган оммабоп газеталар ҳам айнан ёрқин дизайни, ташқи кўриниши билан бир қарашда киши эътиборини тортади. Шунинг учун бугунги кунда дизайнга биринчи ўринда эътибор бериш – ҳар бир спорт газетасининг бош вазифасига айланди. Бу борада айнан етакчи испан нашрларидан намуна олиш ва ўрганиш соҳа ривожига муҳим ўрин тутди.

**Бешинчидан,** нашрларда турли жанрлардан фойдаланиш ҳам ранг-барангликни таъминлайди. Айнан бир хил жанрдаги материаллар ўқувчини зериктириб қўяди. Шу боис жанрлар хилма-хиллидан фойдаланиш лозим. Биздаги аксарият спорт нашрларида кўпинча интерьер, репортаж ва хабар жанрларидаги материалларни кўриш мумкин. Лекин спортга оид очерк, эссе, шарҳ ва таҳлилий-муаммоли мақолаларни кам учратамиз.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун куйидаги хулосага келдик. Миллий спорт нашрларимизнинг давомийлигини таъминлаш, муштарийлари сонининг ошиши учун биринчи навбатда газета форматини стандартлаштириш лозим. Бунда халқаро форматга ўтиш талаб этилади. Яъни, энг қулай бўлган 3 форматига ўтиши зарур.

Умумий хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда спорт газеталарига нисбатан, спорт сайтлари кўпроқ аудиторияни эгалламоқда. Боиси айнан сайтларда интерактивлик хусусиятлари кўпроқ таъминланади. Масалан, бирор хабарга ўқувчи ўша вақтнинг ўзида ўз муносабатини билдира олади. Шунингдек, бошқаларнинг фикрини ҳам кузатиб, улар билан ҳам баҳслаша олиш имкониятига эга. Шундай экан, сайтларнинг афзаллик жиҳатлари куйидагича:

1. Сайт яратиш бошқа оммавий ахборот воситаларига қараганда иқтисодий ва молиявий жиҳатдан арзон ҳисобланади. Сайтни бошқа ОАВларга нисбатан тез яратиш мумкин. Шунингдек, сайтни ишлатишда

кўп афзаллик томонлари бор. Масалан, битта сайтни бир киши ҳам юритса бўлади.

2. Сайтларда ишлаш ва ундан фойдаланиш мураккаб эмас. Тузилиши содда килинган ҳамда кўплаб имкониятларга эга ҳисобланади. Компьютерда материални саҳифалаш қулай, размерни, рангни танлаш, пропорцияларни белгилаш, саҳифалаш осон.

3. Техникавий имкониятлар журналистларнинг ижодий фантазиясини оширади, унга илҳом бағишлайди, янги усуллардан фойдаланиши янгича материални вужудга келтиради.

4. Интернет сайтларида интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти кўпроқ, чунки шу жойнинг ўзида истеъмолчи ахборот жараёнига аралашиб, ўз муносабатини билдиради.

5. Сайтда тезкорлик масаласи юқори. Бу, ўз навбатида, журналистиканинг олтин қоидаларидан бири ҳисобланади. Электрон материал жойлаштирган пайтнинг ўзида уни бошқалар ўқиши ёки олиб фойдаланиши мумкин. Бунга босма матбуот эришолмайди. Босма материал газетада чиқиши учун, уни топшириб, номерга қўйганидан кейин газетани қўлга олгунча бир кун ўтиб кетади. Бу эса ахборотни ўз бозорида сотилмай қолишага сабаб бўлади. Воқеа содир бўлган пайтда у ҳақдаги ахборот ўша заҳотиёқ аудиторияга етиб боришги зарур. Сўзсиз, анъанавий босма газеталар бу рақобатда ютқазаяпти.

6. Электрон сайтлар ихтиёрида узоқ йиллик катта миқдордаги архивлар бор, уларни тез топиш ва ишлатиш имкониятлари мавжуд.

Энди масаланинг камчиликларига тўхталиб ўтамиз.

1. Интернет сайтларидан фойдаланиш учун компьютер ёки ноутбук керак.

2. Техникага эга бўлиб, ундан фойдаланишни билиш керак.

3. Электрон сайтларда маълумотлар ва фактлар ҳар доим ҳам ишончи бўлмайди. Ёлғон ва нотўғри маълумотлар тез-тез учраб туради.

4. Асарият спорт сайтларида имловий хато ва камчиликлар учрайди.

5. Материаллар жойлаштирилиши вақти кўп ҳолларда кўрсатилмайди. Бу электрон дунёнинг касаллиги, чунки маълумотларни ҳар куни янгилаб туриш керак, бунинг учун эса ходимлар ва унлара ойликлар керак. Демак, вақти кўрсатилмаса, материални яқинда жойлаштирдик деб ишонтириш осонроқ.

Таклиф: муаммоли мақолаларнинг электрон банкини яратиш зарур. Бундай мақолаларни барча сайтлардан тўпласа бўлади. Сайтлар бир-бирини қўллаб-қувватлаши керак, чунки муаммолар ҳаммада бир хил. Ҳар йили уларнинг энг яхшиларини саралаб, тўплам чиқариш эса ҳам спорт, ҳам журналистика учун яхши сабоқлар манбаи бўлиб хизмат қиларди. Барча спорт сайтлари бу масалада бир бири билан яқин ҳамкорлик қилиши зарур, чунки алоҳида сайтларга, миллий анъаналарга мувофиқ, турли юқори идоралардан тазйиқ бўлиши мумкин.

Масалага ўз хулосамизни берадиган бўлсак, бугунги “ахборот асрида” ахборот бозорида ахборотга ҳукмронликни ўз томонига ўрнатаётган интернет сайтларига рақобатда дош бериш учун аввало барча спортга ёки унинг турларига ихтисослашган газеталар кўпроқ таҳлилий жанрдаги материаллар сонини кўпайтиришса самаралироқ бўлар эди. Маълумотларни тайёр ўзбек ёки рус сайтларидан эмас, балки биринчи манбанинг ўзидан олишса, ва олинган хабарга биров ўз нуқтаи назари билан таҳлилий ёндошса барча учун аҳамиятли бўлар эди. Ана шунда спортга ихтисослашган нашрлар теражларининг ошиши ҳам кузатиларди.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Расмий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Юксак маънавият енгилмас куч. 2-нашр. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
3. “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. - Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.  
[http://www.lex.uz/ru/law\\_collection/3241/](http://www.lex.uz/ru/law_collection/3241/)
4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2014 йил 5 май  
[// www.lex.uz/pages](http://www.lex.uz/pages)
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони // [http://nrm.uz/contentf?doc=491659\\_2017-2021\\_yillarda\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasini\\_rivojlantirishning\\_beshta\\_ustuvor\\_yo%E2%80%98nalishi\\_bo%E2%80%98yicha\\_harakatlar\\_strategiyasi](http://nrm.uz/contentf?doc=491659_2017-2021_yillarda_o%E2%80%98zbekiston_respublikasini_rivojlantirishning_beshta_ustuvor_yo%E2%80%98nalishi_bo%E2%80%98yicha_harakatlar_strategiyasi)

### II. Махсус адабиётлар:

6. Аль-Бухари М. Принципы международной журналистики и международный обмен информацией. – Т.: ТГИВ, 2001. –149 с.
7. Дўстмухаммедов Х.Н. Журналистнинг касб одоби муаммолари. Моногр. – Т.: «Янги аср авлоди», 2007. 211 б.
8. Ирназаров К.Т., гуруҳ раҳбари. Ҳозирги замон журналистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Aloqachi» 2008; –304 б.

9. Калмыков А.А., Коханова Л.А. Интернет-журналистика. Уч. пос. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 383 с.
10. Мўминов Ф., Нурматов А. ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. 2-нашр. – Т.; «Фан ва технологиялар», 2008. – 328 б.
11. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Т., 2008;
12. Рашидова Д. Информационные технологии и интерактивная Интернет-журналистика. Моногр. – Т., НУУз, 2003. – 95 с.
13. Рашидова Д. Интернет в Узбекистане: возможности и проблемы. Т.: «ZarQalam», 2003. – 39 с.
14. Рашидова Д., Муратова Н. Интернет-журналистика. - Т.: Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, 2007.–137 б.
15. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Ўқув қўлланма. – Т.: «Университет», 2008. – 234 б.
16. Интернет-журналистика (Интернетда радио ва телевидение). Илм. мақ. тўпл. Масъул муҳаррир проф. Ф.А. Мўминов. Т.: «MRC-Tashkent», 2005. – 176 б.
17. Исматиллаева Д. Глобаллашув жараёни ва миллий маънавият // «Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар». 2008. № 3.
18. Макарьян Д. Интернет как инструмент международной политики // Вестн. Моск. ун-та. Серия 18. Социология и политология. 2008. № 4. – 171-173 бетлар.
19. Ражабов Х. Глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг ўрни // «Жамият ва бошқарув». 2008. № 4.- 38-39 бетлар .
20. Саидов У. Оммавий маданият ва ёшлар тарбияси // Юксак маънавият – ёшларга доир сиёсат самарадорлигини ошириш омили. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 86-89 бетлар.
21. Тошбоев О. «Оммавий маданият» таҳдиди // «Тафаккур». 2008. № 1. – 16-21 бетлар.

- 22.Шамсиева И. Еш авлод маънавий ривожига интернетнинг таъсири ва ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси // «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари». 2007. № 1.
- 23.Алексеев К. А. Спортивная пресса России XIX - начала XX вв.: историко-типологический анализ: дис. канд. филол. наук. / СПбГУ - СПб., 2008;
- 24.Баранов В. В. Спортивная печать Российской Федерации. Формирование новой системы : 90-е годы: дис. канд. филол. наук. /МГУ-М., 2001;
- 25.Кузьменко С. Н. Освещение олимпийского движения в средствах массовой информации : дис. . канд. филол. наук. / МГУ - М., 1997;
- 26.Слюсаренко Е. А. Специализированные журналы о спорте: типологические и профильные характеристики : дис. канд. филол. наук./ МГУ – М. 200.

### **III. WEB ресурслар:**

- 27.[www.uza.uz](http://www.uza.uz)
- 28.[www.fifa.com](http://www.fifa.com)
- 29.[www.uefa.com](http://www.uefa.com)
- 30.[www.championat.asia](http://www.championat.asia).
- 31.[Olamsport.com](http://Olamsport.com)
- 32.[Olimpic.uz](http://Olimpic.uz)
- 33.[Sports.uz](http://Sports.uz)
- 34.[interfutbol.uz](http://interfutbol.uz).
- 35.[stadion.uz](http://stadion.uz)
- 36.[alfasport.uz](http://alfasport.uz)
- 37.[magichess.uz](http://magichess.uz)
- 38.[ufa.uz](http://ufa.uz)
- 39.[wrestling.uz](http://wrestling.uz),

40.[rowingcanoe.uz](http://rowingcanoe.uz)

41.[bowling.uz](http://bowling.uz)

42.[judo.uz](http://judo.uz)

43.[uzchess.uz](http://uzchess.uz)

44.[olympicboxing.uz](http://olympicboxing.uz)

45.[gymnastics.uz](http://gymnastics.uz)

46.[taekwon-do.uz](http://taekwon-do.uz)

47.[the-uff.comhe-uff.com](http://the-uff.comhe-uff.com)

48.[uzathletics.uz](http://uzathletics.uz)

49.[tennis.uz](http://tennis.uz)

50.[Stadion.UZ](http://Stadion.UZ) – Футбол янгиликлари;

51.[Uff.uz](http://Uff.uz) – Ўзбекистонда футбол янгиликлари;